



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Термиз давлат университети

Тарих факультети

“Жаҳон тарихи ва манбашунослик” кафедраси

Исмоилов Хусниддин Тўраевичнинг

5120300- тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

“ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ” мавзусидаги

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар:

доц. в.б.Ф.Ёрматов

Термиз- 2012

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.

I.Кириш

II.Адабиётлар таҳлили

III.Асосий қисм:

1-боб. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврида хитойдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол.

2.боб. 1970-1980 йилларда Хитой халқ республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти.

3-боб. Хитой Халқ Республикиси билан Ўзбекистон Республикаси қўртасидаги иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва унинг янги босқичга кўтарилиши.

IV.Хулоса

V.Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги:Хитой Марказий ва Шарқий Осиёдаги давлат. Худудиди 9597 минг кв.км. аҳолиси 1 млрд 500 млнга яқин киши: хитойлар (ханлар) барча аҳолининг салкам 94 фоизини ташкил этади, шунингдек 50 дан ортиқ озчиликни ташкил қилувчи миллар бор, улардан энг кўп сонлилари – чжуан (8,5 млн) уйғурлар (4,4 млн) хуэн ёки дунганлар (4,3 млн), ицзу (4 млн), тибетлар (3,3 млн), Мяо (3 млн) Маньчжурлар (2,9 млн), монголлар (1,7 млн), бум (1,5 млн) корейслар (1,3 млн) Пойтахти Пекин (шаҳар атрофидагилар билан 7 млн аҳоли). Энг йирик шаҳарлари: Шанхай Шэньян, Ухань, Чунцин, Нанкин.

Давлат тили – хитой тили (8 диалекти бор). 1955 йилда Пекин талаффузига хос шимолий диалект (унда ханларнинг 70 фоизи гаплашади) норма сифатида умумхитой замонавий адабий тили деб эълон қилинди. Маъмурий территориал жиҳатдан 23 провенция 5 автоном район марказга бўйсунувчи 3 шаҳарга бўлинган. Давлат ҳокимиятининг олий органи – халқ вакиллари умумхитой мажлиси, унинг доимий ишловчи органи – доимий комитет Хитой асосий мўътадил, субтропик ва тропик минтақаларда жойлашган. Хитойнинг жанубий ғарбий қисми Тибет тоғлиги, Химолай, Қорақурум, Куньлун, Наншан тоғ тизмалари ва Сина-Титеб тоғлари билан банд, ғарбий ва шимолий ғарбида биланд текисликлар ва шарқий Тяншаннинг тоғлари бор. Мамлакатнинг шарқий қисми унчалик баланд эмас, шимолий шарқида Манжурия Корея тоғлари, катта Хинган ва кичик Хинган тоғлари, Сунгари дараси хавзасида текисликлар, жануброқда Лёсли плато, Буюк Хитой текислиги бор. Асосий дарёлари Янцзи, Хуанхэ, Сунгари, Цинцзян, ғарбида Такла макон чўли, шимолида Гоби чўлининг бир қисми жойлашган. Қарийб 8 фоиз майдони ўрмон билан қопланган.

Ишнинг мақсад ва вазифалари: Хитойнинг планли иқтисодий ривожланиши “катта сакраш” деб аталиши йўлни тутиш, “маданий инқилоб”ни амалга ошириш натижасида бузилди ва кейинчалик улар

Хитойда кескин танқидга учради. Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши секинлашиб қолди, Хитой хўжалигида мутаносибсизлик кучайди.

1978 йилдан бошлаб мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини модернизациялаш, ташқи алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий омиллардан кенг фойдаланиб, хўжаликни юксалтириш йўлидан бормоқда. Хитой халқ хўжалигидаги аҳвол яхшиланди. Хитой коммунистик партиясининг 1987 йил октябрда бўлган 13 – съезди Хитой социализм қуришнинг бошланғич босқичида эканлигини бу босқич 21-асрнинг ўртасиларигача чўзилишни кўрсатиб, мамлакатни “Хитойга хос янги социализм эканомика системаси асослари”ни юзага келтиришга йилланди.

Ишнинг илмий янгиликлар ва эришилган натижалар: Хитой аграр индустриал мамлакат Хитой хўжалигини ривожлантиришга анча объектив ёндашиш натижасида 1980 йилларнинг бошидан мамлакат экономикаси кўп укладли: етакчи мавқега эга давлат экономикаси қаторида кооператив ва хусусий секторлар мавжуд. Миллий даромат қишлоқ хўжалигининг улуши 42 фоиз, саноатники 44 фоизни ташкил этди. Ёқилғи-энергетика базасининг асоси-кўмир. Нефть чиқариб олинади. 1986 йили 445 млрд кВт соат электр энергия ҳосил қилинди. Пўлат рангли металллар – алюминий, мис, рух, кўрғошин, қалай, сурма ва бошқа металллар эритилади. Кўп тармоқли машинасозлик (станоксозлик, қишлоқ хўжалиги ва транспорт машинасозлиги, тракторсозлик, автомобилсозлик ва кемасозлик, электр энергетика ва бошқа саноат ускуналари, электрон буюмлари асбоблари, шунингдек велосипедлар, тикув машиналари, соатлар ва бошқа ишлаб чиқариш) ривожланган.

Ишнинг амалий аҳамияти: Асосий тармоқ тўқимачилик ип газлама, шойи, жун газлама саноати ҳисобланади. Барча саноат маҳсулотларининг қарийиб $\frac{1}{2}$ қисмини майда ва кустарь корхоналар ишлаб чиқарилади. Анънавий ҳунармандчилик суяк, ипак, эмал, локдан, чинни-фаяндан буюмлар

ясаш, каштачилик билан шағаллаанилади. Қишлоқ ер коллектив мулк. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишда майда гуруҳлар, асосий оила пудратидан фойдаланилади. Давлат мулки, асосий давлат давлат хўжаликларидан иборат. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотида ўсимликнинг 58 фоизини, чорвачилик 14 фоизни ташкил қилади. Хайдаладиган ерлар майда қарийиб 100 млнга, шунинг 2/5 қисми суғорилади.

Эски майдоннинг 4/5 қисми озиқ-овқат экинлари (асосий шоли, бугдой, шунингдек батат, картошка) қарийиб 14 фоиз қисми техника экинлари (пахта, сўя, ерёнғоқ, чой, тамаки, жут, шакарқамиш, қанд лавлаги) билан банд. Сабзавод лива, узум етиштирилади.

1886 йили 390 млн тонна дон йиғиб ва 3,5 млн тонна пахта териб олинди. 1986 йили 119 млн қорамол, 337 млн чўчка, 166 млн қўй ва эчки бўлган. Хитой табиий ипак ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича дунёда энг олдинги давлатлардан биридир. Балиқ овлаш, денгиз маҳсулотларини йиғиш, билиқчилик билан шуғулланилади. Ёввойи дарахтлар ливалари ва жонивор ўтлар йиғилади. Ёғоч тайёрланади. Йўл узунлиги 54 минг кв дан зиёд, автомобил йўллариники 930 минг кв. энг йирик портлари: Шанхай, Далянь, Цинь-Хуандао, Циндао, Гуанчжоу (Хуанпу билан) Тянь-цзинь (Синьган билан). Асосий қишлоқ хўжалик саноат моллари экспорт қилинади. 1980 йилларнинг ўртасида Собиқ СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан янги иқтисодий алоқалар ривожланди. Асосан Япония, АҚШ сингари давлатлар билан савдо қилади. Пул бирлиги – юань¹.

БМИ тузилиши: кириш, адабиётлар таҳлили, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхати.

БМИ предмети ва объекти: Хитой халқ республикасининг иқтисодий тараққиёти ва ўзига хос жиҳатларини ёритиш бўйича алоқаларини Президентимиз И.А.Каримовнинг фикрлари, нутқлари, асарлари, матбуот

¹ Ўзбек миллий энциклопедияси. “Давлат илмий нашриёти”. –Т., 2005. 9-том. –Б. 437.

материалларига таянган ҳолда ёритиб бериш мавзунинг предмети ва объектини ташкил этади.

II. Адабиётлар таҳлили

Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида мавзуга доир кўпгина манбалар ва адабиётлар, оммавий ахборот воситалари билан танишиб чиқдим. Айниқса президентимиз асарлари, хусусан, Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”, Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. 1992 й., Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1994 й., 2011 йилда нашр қилинган “Ўзбекистон мустақиликка эришиш оstonасида” китоблари, Новейшая история стран Азии и Африки. Москва. 1987., “Жаҳон мамлакатлари” справочник. Тошкент. 2005 йил каби адабиётлар таҳлил қилинди.

Шунингдек “Халқ сўзи”, Маърифат” газетаси. Тошкент. 2003 йил, 16 май., “Ўзбекистон овози” Тошкент. 2007 йил 28 март., Жамият ва бошқарув. 2008 йил 3-сон оммавий ахборот воситаларидан ҳамда интернет маълумотларидан битирув малакавий ишни ёзишда фойдаланилди.

Битирув малакавий иш мавзуси янги, илгари илмий тадқиқот ишлари муомаласида бўлмаган янги мавзу бўлганлиги сабабли, кўпроқ оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, статистик маълумотлар ҳам таҳлил қилинди.

1-БОБ. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврида Хитойдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол

1946-1949 йиллардаги фуқаролар уруши Хитой Халқ Республикасининг ташкил топиши. Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида Хитойда Япон маъмуриятидан ташқари яна икки ҳокимият бор эди. Шимол ва Шимоли-Шарқдаги Хитой Коммунистик партияси (ХКП) бошчилигидаги озод этилган ҳудудлар ҳокимияти, жануби-ғарбдаги Чан Кайшиннинг миллий ҳукумати 1945 йилнинг августида Шимолий шарқий озодлик Армияси (ХОА) уларнинг қўллаб қувватлаши билан ҳужумга ўтиб, йирик саноат ва маъмурий марказлар Нанкин, Шанхай, Пекингга яқинлашиб бордилар. Халқ Озодлик Армияси қисмлари ва гоминьданчилар ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланди. Собиқ Совет ҳукумати ХКП раҳбарлигидаги “уруш йили”ни маъқулламади, негаки, бу Совет Иттифоқини бир-бирига қарши бораётган Хитой Коммунистик партияси ва Гоминьданчилар ўртасидаги можарога жалб этиш эҳтимоли бор эди. 1945 йилнинг августида Собиқ СССР ва Хитой республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тузилди. Хитой Коммунистик партияси ва Гоминьданчилар ўртасидаги музокаралар натижасида ҳар иккала томон қуроллик тўқнашувларни тўхтатиш тўғрисида бир битимга келдилар. Аммо гоминьданчиларнинг ўз ҳукуматларини умумий эканлигини тан олиш ҳақидаги талаби Хитой Коммунистик Партияси тарафидан рад этилди, у озод этилган ҳудудлардаги ўз ҳукуматини қонунийлаштириш ниятида эди. Шундан сўнг, орадан кўп ўтмай шартномани бузган ҳолда Чан Кайши кўшинлари АҚШ раҳнамолигида озод этилган ҳудудларга қарши ҳужум бошлашди. Улар ўз олдиларига совет кўшинлари чиқиб кетган Маньчжурия эгаллаб олишни мақсад қилиб қўйишган эди². 1946 йилнинг кузида эгаллаб олишди, 1947 йилнинг мартида эса пойтахт Янвань уларнинг қўл остига ўтди. Бироқ Халқ Озодлик Армиясини тўла мағлуб этиш Чан Кайши кўшинларига насиб этмади.

² Ўзбек миллий энциклопедияси. “Давлат илмий нашриёти”. –Т., 2005. 9-том. –Б. 438.

Ҳарбий муваффақиятлар қозонишга қарамай, гоминданчилар режими бўҳронга дучор бўлди. Японларга қарши уруш йилларидаёқ, Япон сармоясига қарашли корхоналарни национализация қилиш йўли билан иқтисодиётда қудратли давлат сектори вужудга келтирилган эди. Унинг устидан миллий саноатининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи бюрократик аппарат ҳукмрон эди.

Солиқлар деҳқонлар оммаси зиммасида оғир бўлиб ётарди. Урушнинг чўзилиб кетиши ва Япония оккупацияси оқибатида мамлакатда озиқ-овқат етишмас, инфляция кучайиб борар эди. Буларнинг барчаси аҳоли кенг қатламлари шунингдек миллий буржуазия ва айрим заминдорларнинг норозисига сабаб бўлди.

Озод қилинган районларда энг аввало деҳқонларга таянган Хитой Коммунистик Партияси, 1946 йилнинг бошида японларга қарши урушда фойдаланган: “Ҳар бир заминдорнинг ўз ери бўлсин” сиёсатидан (ижара тўловини камайтириш, қарз фоизини пасайтириш тадбирлари) аста-секинлик билан помешчиклар ерини мусодара қилишга ўтди.

Халқ Озодлик Армияси гоминьдачилар кўшинларига қарши кенг миқёсда хужумга ўтган 1947 йилнинг октябрида, Чан Кайши режимини ағдариш ва демократик ҳукумат тузиш ҳақидаги чақириқ матбуотда чоп этилди. Демократик ҳукумат “бюрократик сармоя”га ривожланишига шароит яратиш қишлоқ аҳолиси ўртасида ерни тенг бўлиб бериш керак эди. Хитой Коммунистик Партияси 1945-1947 йилларда олиб борган “ўз-ўзини ҳимоя қилиш уруши”дан гоминьданчилар ҳукуматини ағдариш урушига ўтиб олди³.

1948 йилнинг кузида гоминьдачилар билан бўлган уч жангда Халқ Озодлик Армияси зарба берди. 1949 йилнинг баҳорида тинчлик музокаларига амал қилинмагач, хужумга ўтиб, Нанкин, Шанхай ва бошқа йирик шаҳарлар эгаллаб олинди. Гоминьданчилар режими, АҚШнинг қўллаб-қувватлашидан

³ Ўзбек миллий энциклопедияси. “Давлат илмий нашриёти”. –Т., 2005. 9-том. –Б. 438.

махрум бўлгач, мағлуб бўлди. Қолган-қутган қўшинлари Тайвань оролида яширинди.

1949 йилнинг 1 октябрида Халқ сиёсий маслаҳатлашув кенгашида (ХСМК) тантанали суратда Хитой Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

1950 йилнинг ўрталарида гоминьданчи қўшинларнинг сўнгги қаршилик кўрсатиш ўчоқларини тугатиб, Халқ озодлиги Армияси 1951 йилда Тибет ҳокимиятини Тинч йўл билан озод этилганлиги ҳақидаги битимни имзолашга мажбур этилди, шундай қилиб Тибетга миллий мухторият берилди. Кўп йиллик фуқаролар уруши тугади.

Хитой Халқ Республикаси “янги” ёки “халқ” демократияси давлати сифатида барпо этилди. Хитой Коммунистик Партияси Марказий Қўмита раиси Мао Цзэ-дун (1893-1976 йй) бошқарадиган бўлди. Унча катта бўлмаган буржуазия ва майда буржуазия партиялари вакиллари ҳокимият олий органларида қатнашган бўлсалар-да, аммо сиёсатга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмас эдилар. Сайлаб қўйиладиган ваколатли органлар тузилмади, жойларда барча маъмурий Халқ Озодлик Армияси ҳарбий—маъмурий қўмиталарига қарашли эди. 1950-1953 йилларда буржуа демократик инқилоби ўз олдига қўйган вақзифалар адо этилди. Аграр ислоҳат йирик заминдорларнинг ерга эгалигини бекор қилиб, фуқаролар уруши йилларида бошланган ерга эгаликни қайта кўриб чиқишни якуний босқичга етказди. Йирик заминдорларнинг ерлари деҳқонлар ўртасида тақсимланганда етишмовчилик пайдо бўлаётганлиги учун, бой деҳқонлар, ўрта деҳқонлар ва ҳатто оддий деҳқонлар ҳам йирик заминдор табақасига киритиб келинди.

Ижтимоий-иқтисодий қайта қуришларни амалга оширишда, 1950 йилда Собиқ Совет Иттифоқи билан имзоланган дўстлик, иттифоқчилик ва ҳар томонлама Хитой Халқ Республикасининг асосий таянчи эди. Собиқ СССР Хитой Халқ Республикани йирик кредит билан таъминлар, озиқ-овқат ва саноат товрларига бўлган эҳтиёжни қондирарди.

1953 йилнинг охирида Собиқ Совет Иттифоқи ёрдамида Хитой Халқ Республикасини “Буюк социалистик давлат”га айлантириш ҳақидаги Хитой Коммунистик Партияси йўли эълон қилинди. Бу йўлни 1954 йилнинг сентябрида қабул қилинган Хитой Халқ Республикаси конституцияси янада мустаҳкамлади. Ҳокимиятнинг юқори органи – Халқ вакиллари умумхитой йиғилиши бўлди, қайтадан ташкил этилган Хитой Халқ Республикаси раиси лавозимига Мао Цзэдун сайланди. Социалистик қурилиш режаси совет модели асосида амалга оширилиши керак бўлиб, фақат Хитойнинг ўзига хос шароитлари эътибордан соқит қилинмас эди. Миллий озодлик кураши давомида муддат ичида ижтимоий адолатга асосланган давлат барпо этиш мумкинлигига ишонтира олди.

Аввалига қишлоқни кооперативлаштириш уч беш йилликда амалга ошади дея тахмин қилинди. Капиталстик саноатни қайта қуриш давлат назоратини кучайтириш йўли билан амалга оширилиши белгиланади, кейин эса давлат хусусий кўшма корхоналар тузиш билан амалга ошириладиган бўлди. Бироқ, 1955 йилнинг ўзида, Мао Цзэдун ташаббуси билан ижтимоий-иқтисодий қайта қуришларни қистовга олиб, тезлатив компанияси бошланди, энг олдин қишлоқлар кооперативлаштирилди, шунингдек хусусий саноат ва тижорат соҳаси мулк эгаларига унча кўп бўлмаган тўлов билан дархол национализация қилишга киришилди. Бу йўл норози бўлган шахсларга нисбатан қатағон қилиш қўлланилиши билан бирга олиб борилди. КПСС XX съезди қарорлари таъсири остида, Хитойда Сталин шахсига сиғиниш танқид қилинган эди. Хитой Коммунистик Партиясининг бир қанча арбоблари раҳбариятнинг чекланмаган сиёсат юргизишига қарши чиқди. Хитой Коммунистик Партияси 8-съезди (1956 йил, сентябрь) илгаридан бошланган дастурни тасдиқлади. Хитой Коммунистик Партияси уставидан “Мао Цзэдун ғоялари Хитой Коммунистик Партияси фаолияти учун асосий йўналишидир” деган қоида олиб ташланди.

“Катта сакраш” Хитой Халқ Республикасини 5-10 йил мобайнида дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиши керак эди.

“Катта сакраш” сиёсати. Хитой Коммунистик Партияси ичида авж олиб кетган курашга қарамасдан Мао Цзэдун ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди ва 1958 йилда у таклиф этган йўл – “уч қизил байроқ” қабул қилинди: бу бош йўл – “катта сакраш” ва халқ коммуналари тузишдан иборат эди. У: “Уч йиллик зарбдор меҳнат ўн йиллик бахт келтиради” шиори остида ўтказилди. Халқ хўжалиги олдига амалда бажариб бўлмайдиган чўян ва пўлат эритишни, кўмир қазиб чиқаришни ва шунга ўхшашларни кескин кўпайтириш вазифалари қўйилган эди. Мамлакатда оммавий равишда ибтидоий домна печлар қуришга киришилди, аммо бу кечик печларда эритилган пўлат саноат истеъмоли учун яроқсиз бўлиб чиқди. Қишлоқларда ишлаб чиқариш кооперативлари халқ коммуналларига айлантирилди, ер, дала ҳовли ва ҳатто парранда, идиш-товоқ, рўзғор асбоб-анжомлардаги бозорлар ёпилди. Норозиликлар ҳар қандай кўриниши армия ва хавфсизлик хизмати томонидан бостирилди.

Ана шундай вазиятда, 1965 йилнинг сўнгида Мао Цзэдун ташаббуси билан “маданий инқилоб” бошланди. “Зиёлилар даҳосини ағдарамиз”, “Эски маданиятни тугатиб, янги, пролитар маданиятни яратамиз” шиорлари остида халқ зиёлиларини қувғин ва таъқиб остига олиш бошланиб кетди. Талабалар ва юқори синф ўқувчилари “хунвэйбинлар” (“Қизил посбонлар”) отрядларига уюштириб, мактаб ва олий ўқув юртлари муаллим ҳамда мураббийларини тор-мор қилиш, ағдариш ва шармисор қилишга йўлланди. Кўплаб илмий ва маданий муассасалар тор-мор қилиниб, ерпарчин этиилди. “Маданий инқилоб”нинг бош вазифаси Мао Цзэдуннинг шахсий ҳокимияти режимини мустаҳкамлаш ва унинг рақибларини йўқотиш ана шундай давом этарди.

Армия паноҳида бўлган “хунвэйбинлар” ва цзаосранлар” (“исёнкорлар”) отрядлари “маданий инқилобни” маъқулламаган партия қўмиталари ва

давлат органларини яксон қилардилар. Қатағонга 5 миллионга яқин коммунистлар, шунингдек 80 фоиз ХКМ МҚ аъзолари тортилди. Партия қўмиталари ва халқ кенгашлари ўрнига армия томонидан назорат қилинувчи “инқилобий қўмиталар” тузилди. Кўпгина вилоятларда ҳокимият ҳарбий округлар қўмондонлари қўлига ўтди, ҳарбийлар ҳам жазодан қуруқ қолмадилар. Мамлакатда шов-шув кучайди, фуқаролар уруши етила бошлади. Иқтисодиётга жуда катта зарар етказилган эди. ХКП 1X съезди (1969 йил апрель) Мао Цзэдун ғояларини ривожлантиришдаги энг олий янги босқич деб таърифланади, собиқ СССР билан кураш эса ташқи сиёсатдаги бош вазифа, деб белгиланди.⁴

ХКП ичидаги ҳар хил гуруҳларнинг бир-бири билан курашиши асносида, Мао Цзэдуннинг хотини Цзян Цин чиқарилди. 1976 йилнинг сентябрида Мао Цзэдун вафотидан сўнг Цзян Цин ўз тарафлари қўллаб-қувватлаши билан ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилган, аммо бу муваффақият қозонмаган эди. “Маданий инқилоб” саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келди. ХХР фан маданият ғоят катта зарар етказди.

Хитой индустриал аграр Темир Руда, тошкўмир, нефть, рангли ва нодир металлар, олтиннинг йирик конларига эга. 60 йилларнинг бошларидан эътиборан Пекин раҳбарлари собиқ СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан савдо ва иқтисодий алоқаларни чеклаш сиёсатини “ўз кучига таянишдан” иборат миллатчилик қарийиб 2 миллиард сўмдан 1968 йилда 86 млн. сўмгача қисқартирилди. Хитой томоннинг айби билан Собиқ СССР ва ХХР ўртасида Собиқ СССРнинг ташаббуси билан 1970 йилнинг охирларида 1971 йил учун савдо протоколи имзоланди. Шунга мувофиқ икки мамлакат ўртасида товар обороти бир мунча ортди. Социалистик мамлакатлар билан савдо салмоғи 1959 йилдаги 70 фоиздан 1967 йилда 20 фоизга тушиб қолди ва 1968-1969 йилларда тахминан шу даражада сақланди.

⁴ Ўзбек миллий энциклопедияси. “Давлат илмий нашриёти”. –Т., 2005. 9-том. –Б. 438.

1970 йилда эса яна 2 фоиз камайди. Шу билан бирга, ХХРнинг Япония, ГФР, Англия, Франция, Канада, Австралия ва бошқа капиталистик мамлакатлар билан савдо обороти анча кучайди. Хитой раҳбарлари ўз “катта сакраш” сиёсати билан социалистик экономикани планли ва пропорционал равожлантириш қонуни ҳаракатини буздилар. 1961 йилдан Хитойда халқ хўжалик планлари ва уларни бажарилиши тўғрисида статистик маълумотлар эълон қилинмайди. “Маданий инқилоб” мамлакат чиқариши 1966 йилдагига нисбатан 20 фоизга қисқарди, фақат 1070 йилга келиб у 1966 йил даражасига етди, баъзи кўрсаткич даражалари бўйича эса у даражадан ўзиб кетди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кейинги бир неча йиллар мобайнида асосан бир даражада турди. Йилига тахминан 185-190 млн тонна ғалла ҳосили олинди.

1970 йилда 14 млн тонна пўлат 75 млрд квт-с электр энергия, 14 млн тонна цемент ишлаб чиқарилди, 245 тонна кўмир, 15 млн тонна нефть қазилди, 200 млн тонна ғалла тонна пахта йиғиб олинди. Чўчқалар сони 160 млн бош эди.

1971 йил бошида Пекин матбуотида “учинчи беш йиллик план муваффақиятли бажарилганлиги” ҳақида ва Хитой халқи тўртинчи беш йилликни бажаришга киришганлиги тўғрисида хабарлар пайдо бўлди ва бироқ, бунга ҳеч қандай рақамлар келтирилмади.

ХХР темир йўллар узунлиги 36 минг километр, шу жумладан 2 изли йўллар 94 минг километр атиги 200 километр электрлаштирилган. Автомобиль ва от арава йўллари 550 минг километрни ташкил қилади. Граждан авиацияси самолиётлар парки салкам 500 машинадан иборат.

“Маданий инқилоб” Хитой меҳнаткашларнинг моддий аҳволини ниҳоятда ёмонлаштирди. 1966 йилда мукофот системаси бекор қилинди, натижада ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ўрта ҳисобда 10 фоизга қисқарди. Меҳнаткашлар таъмиллардан фойдаланмайдилар, оила аъзоларига кўрсатиладиган тиббиёт хизмати ва болаларнинг ўқиши учун ҳақ тўлайдилар.

Хитойда озиқ-овқат ва саноат товарларини аҳоли ўртасида қатъий нормаларда тақсимлаш системаси ҳам ҳозирда давом этмоқда. “Маданий инқилоб” йилларида мамлакатда ишсизлик кўпайди. Бу муаммоларни шунингдек шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини ҳукумат бошлиқлари шаҳар аҳолисининг бир қисмини, асосан ёшларни қишлоқ районларига кўчириш йўли билан ҳал қилишга уринмоқдалар. Фақат 1968-1969 йилларда шаҳарлардан салкам 20 млн киши кўчирилди.

80-йиллардаги ислохотлар 70 йиллар охири – 80 йиллар бошида ХКП “маданий инқилобга” миллий мукофот деб баҳо берди, Мао Цзэдун ҳаракатларини эса “тўла хатолик” ден тан олди ва шу ҳақда бир қатор қарорлар қабул қилди. Барибир, уни ҳамон “улуғ марксчи, стратег ва назариётчи” деб аташади.

Янги раҳбариятда Дж Словин (1904 йилда туғилган) катта роль ўйнай бошлади, у маданий инқилоб даврида қувғинга учраган ва икки марта партия ва давлат лавозимларидан маҳрум этилган эди. Энди бош йўл синфий курашга эмас, балки иқтисодий қурилишга йўналтирилди. 1978 йилдан эътиборан ХХРда иқтисодий ислохот амалга оширила бошланди, энг аввал қишлоқ хўжалигидаги ишлар тартибга солиниб, халқ коммуналари ўрнига оилавий пудрат жорий этилди. Ер шартномаси асосида деҳқонга берилар, ортиқча маҳсулотни у ўз истаганича тасарруф этиш ҳуқуқига эга эди. Бу қишлоқ хўжалиги суръатларининг жадал ўсишига олиб келди.

1984 йилда ислохотнинг оғирлик маркази шаҳарлар зиммасига тушди. Корхоналарга янада кўпроқ ҳуқуқлар берилди, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш принципи қайта тикланди. ХХР иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш учун эркин иқтисодий ҳудудлар барпо этилди, улар денгиз бўйи вилоятларида ташкил этилиб, чет эл капитали қўйилмалари учун қулай шароит яратилди. Ислохотдан деҳқонлар, майда тадбиркорлар, тижоратчилар катта фойда кўрдилар. Аҳоли бошқа қатламларининг турмуш даражаси яхшиланмади. Норозиликлар инсон ҳуқуқларига риоя қилмасликни келтириб

чиқарди, қисқартиришга ҳаракат қилиш билан тобора сони ошиб бораётган партия-давлат аппаратида коррупцияни кучайтирди. Буларда “маданий инқилоб” номоёндалари муҳим роль ўйнаб амалга оширилаётган ислоҳатни тўхтатиб қолишга ҳаракат қилишди.

1989 йилнинг баҳори ва ёзида зиёлилар, талабалар, ишчилар синфининг бир қисми сиёсий ислоҳатларни талаб қилиб чиқишди, улар ХКП ҳукмронлик мавқеини тугитиш, ҳақиқий кўппартияли тизимга ўтиш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш талабларини илгари сурдилар. Пекинда талабалар намойиши бошланди. Унга ўқитувчилар, журналистлар, хазматчилар, ишчилар қўшилди. Тяньан мэнь майдони воқеалар қизгин давом этаётган марказга айланди, у ерда ҳукуматнинг ўзлари билан мулоқотга боришни истамаганлиги учун, минглаб талабалар очлик эълон қилишган эди. Намойишчиларга, ислоҳот тарафдорларидан ҳисобланган ХКП МҚ Бош котиби Чжао Цзянь бирдамлик изҳор этди. Аммо ХКП раҳбариятида Давлат Кенгаши бошлиғи Ли Пэн (1928 йилда туғилган) бошчилигида “қаттиқ қўллик линияси”ни авж олдираётганларнинг таъсири аянчли эди.

Пойтахтда ҳарбий ҳолат жорий этилди. Бунга жавобан талабалар кўчаларда барикадалар барпо этилди. Шаҳарда тўпланган қўшиқлар икки ҳафта ҳеч қандай фаол ҳаракатга киришмадилар кейин эса ҳукумат буйруғи билан ҳужумга ўтиб, намойишчиларга қарши танклар ва ўқ отар қуролларни ишлатишди. Воқеа қатнашчиларнинг кўпчилиги ўлдирилди ва ярадор қилинди, ҳибсга олинганларнинг бир қанчачиси суд ҳукми билан отиб ташланди. Яккаҳокимиятлик режимини ўрнатишда айбланган Чжао Цзянь лавозимидан олиб ташланиб, ўрнига Цзянь Цзэмин (1926 йилда туғилган) қўйилди.

ХКП раҳбариятдагилар Шарқий Европа мамлакатларида рўй берган ўзгаришлардан сабоқ олишди. Иқтисодиётнинг давлат томонидан назорат қилиниши қатъият билан бўйиштирилди. ХКП XIV-съезди (1992 йил октябр)

“Хитойга хос бўлган” социализм қурилиши концепциясини тасдиқлади ҳамда партия ва жамиятга “социалистик бозор иқтисодиёти”ни барпо этиш сари йўналиш берди. Хусусий капитал рағбатлантириш ва хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар барпо этиш миллиард сонли аҳолини озиқ-овқат ва кийим бош билан таъминлаш, “етишмай турган” камчиликлар ўрнини тўлдиришга имкон яратди. Давлат мулкчилиги иқтисодиётида ўринда қолаверди.

Съезд “халқнинг демократик диктатураси”ни ва партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлашга чақирди. ХКП МҚ таркиби анча янгиланди. Мао Цзэдунинг кексайиб қолган сафдошлари пенсия чиқарилди. “Ислохотлар меъмори” бўлган Дэн Сяопнинг тарафдорлари уларнинг ўрнига келди. ХКП МҚ Бош котиблигига яна қайтадан Цзян Цзэмин сайланди.

Съезд “халқнинг демократик диктатурасини” ва партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлашга чақирди. ХКП МҚ таркиби анча янгиланди. Мао Цзэдунинг кексайиб қолган сафдошлари пенсияга чиқарилди. “Ислохотлар меъмори” бўлган Дэн Сяопнинг тарафдорлари уларнинг ўрнига келди. ХКП МҚ Бош котиблини яна қайтадан Цзян Цзэмин сайланди.

Тайвань, Гонканг, Гражданлар урушидан мағлубиятга учраганидан сўнг Чан Кайши қўшинларнинг қолган қутганлари (600 мингга яқин) ва 15 миллион қочоқлар АҚШ ҳимоясидаги “чўктириб бўлмас авлаоц” Тайвнь оролидан бошпана топишди. Тайванда яккахокимлик режими ўрнатилган эди, ваколатли органларга сайловлар ўтказилмас, 80 йиллар охирига қадар гоминьданчилар Хитойда сайланган депутатлар парламентда мажлис ўтказиб келишар эди. Давлатдаги барча муҳим лавозимларни Чан Кайшининг ўғли Цзяс Цинго эгаллаган эди. У 1979 йилда президент бўлган, ХХР га нисбатан Чан Кайши томонидан бошланган “уч йўқ” сиёсатини қўллади: “муросага келиш йўқ, музокаралар юритиш йўқ, алоқа қилиш йўқ”. Аммо унинг вафотидан сўнг (Цзян Цинго 1988 йилда вафот этди) 1949 йилда жорий этилган ҳарбий ҳолат бекор қилинди, сиёсий партиялар фаолиятига рухсат

берилди, парламентдаги вафот этган депутатларнинг бўш қолган ўринларига сайловлар ўтказила бошланди.

Мустақил ривожланиш йилларида Тайвань иқтисодиётида кўзга кўринарли ютуқларга эришди. Бу борада 1949-1953 йилларда помещчиклар ер эгалигини тугатиш индустриаллаштириш амалга оширишда АҚШ бберган ёрдам қўл келди. 60 йиллардан эътиборан иқтисодиё ривожланиш секторининг рағбатлантирилиши ва хорижий сармояларнинг оқиб келиши бунинг бош омили бўлди. Тайвань аграр мамлакатдан қишлоқ хўжалиги юксак раванқ топган индустриал давлатга айланди.

Дэн Сяопин томонидан илгари сурилган “битта давлат иккита тузум” концепцияси, ХХР раҳбарияти фикрларига қараганда, Тайвань билан тинчкорлик асосида бирлашишга олиб келиши мумкин экан, бундай ҳолатда у ХХРнинг алоҳида маъмурий районга айланиб ўз қуролли кучларига эга бўлади ва марказий ҳукуматда ўз вакили бўлишига эришади. Пировардида Хитой раҳбарлари айтганидек, “қитъада социализм бўлади, Тайванда – капитализм”. 80-90 йиллар чегараси ХХР ва Тайвань ўртасида алоқалар ўрнатилди, тайванлик бизнесменлар ўз сармояларини ХХР иқтисодиёти ривожланишига тикишни бошлашди.

1898 йилда Буюк британия Хитойдан ижарага олган Гонконг, Тайван, Корея Республикаси ва Сингапур билан бирга шарқий Осиёдаги тўрт “аждаҳо” ёки “йўлбарс”га мансуб эди. Уларнинг ҳиссасига ривожланаётган мамлакатларнинг 40 фоизи саноат экспорти тўғри келар эди. Гонконг товарлари кийим кечак, электроника, соатлар, ўйинчоқлар, фақатгина ривожланаётган мамлакатларга эмас, балки индустриал давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Буюк Британия билан битимига мувофиқ (1984 йил) Гонконг 1997 йилнинг 1 июлидан эътиборан ХХР суверинитети остида ўтади, аммо ўзининг ҳукумати ва иқтисодий тизимини 50 йил давомида сақлаб қолади. ХХР Гонконгнинг қайтариб берилишига, худди шундай

шартлар асосида, Тайваннинг ҳам қайтариб берилиши сари қўйилган илдам қадамлар деб қарайди⁵.

⁵ Ўзбек миллий энциклопедияси. “Давлат илмий нашриёти”. –Т., 2005. 9-том. –Б. 438.

2.БОБ. 1970-1980 йилларда Хитой халқ республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти.

Республикамиз мустақиллигини эътироф этган давлатлар сони тобора кўпаймоқда, айти пайтда улар биз билан дипломатия муносабатларини ўрганишга, тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Хитой Халқ Республикаси ана шундай мамлакатларнинг биридир. Яқинда Хитой Халқ Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи савдо вазири Ли Ланьцин бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Тошкентга ташриф буюрди ҳамда Ўзбекистон раҳбарияти билан кенг қамровли музокаралар олиб борди.

Юзма-юз мулоқот ҳар икки давлат ўртасида дипломатик муносабатларини ўрнатиш, Тошкент ва Пекинда савдо ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаш билан ниҳояланди. Шу тариқа Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари тарихида яна бир саҳифа очилди. Кейинги пайтда Хитой мўжизаси ҳақида кўп гапиришаяпти. Дарҳақиқат, яқин-яқинларгача бир миллиарддан ортиқ аҳолини боқиш мушкул бўлиб келган бу мамлакат қандай тарзда жуда тез оёққа туриб олди? Хавас қилса, ўрганса арзийдиган жиҳатлари тажрибаси нималардан иборат? Хитой Халқ Республикаси раҳбарияти амалга оширган иқтисодий ислоҳат сиёсати яхши натижага эришди. Осиё қитъасидаги энг йирик ана шу мамлакатда халқнинг турмуш фаровонлашди, сабаби ижтимоий – иқтисодий юксалишга эришилди⁶. Хитойга ислоҳат ўтказиш тажрибасини, айтиқса қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ўзгаришлар моҳиятини синчиклаб ўрганиш тарихан иқтисодий аҳволи иқлими, табиий шароити, деҳқончилик усуллари анча яқин бўлган Ўзбекистон учун фойдадан холи эмас, деб ўйлайман. Зеро, бизнинг мамлакатимизда ҳозир вужудга келган вазиятни бундай бир неча йил муқаддам Хитой ҳам бошидан кечирган.

⁶ “Халқ сўзи” газетаси. 2006 йил 24 май. №98, 2-бет.

Хитой Халқ Республикасида қўшма корхоналар очишда кенг йўл бериб қўйилган, деб эшитамиз. Ташқи иқтисодий алоқалардаги бурилишида асосий йўналиш, сизнингча, қайси томонга қаратилган?

Иқтисодий ислохотларнинг туб моҳиятига қарайдиган бўлсак, қуйидаги йўналиш кўзга яққол ташланади. Хитойда қўшма ва чет эл тадбиркорларини раванқ топтиришга зўр берилаяпти. Хориж маблағини жалб этишнинг қуйидаги шакллари мавжуд: қўшма корхоналар, шартнома асосида очилган корхоналар ҳамда бутунлай чет эл фуқароларига қарашли корхоналар. Маълумки, қўшма корхонанинг асосий белгилари шундай биргаликда маблуг сарф этилади, хўжалик фаолияти биргаликда юритилади, биргаликда идора қилинади, қўрилган фойда ёки зарур мирикларнинг низомга кўра тўпланган капиталидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Унинг шартнома асосида оқчилагн корхонадан фарқи нимада?

Шартномавий корхоналар ҳам мирикларнинг маблағларини бирлаштириш йўли билан барпо этилади. Бироқ даромад ёки зиён капиталдаги умумий улушга боғлиқ бўлмайди, балки томонлар имзоналанган шартномада олдиндан белгилаб қўйилади. Бинобарин фойдани тақсимлашдаги мутаносиблик қоида тариқасида ҳамкорликнинг бутун давомида ўзгариб туради. Корхона фаолиятининг дастлабки босқичида, яъни капитал ҳалии қонланмаган пайтда хорижий йирик улиши одатда Хитойликликидан кўпроқ бўлади ва 60-70 фоизни ташкил этади. Маблағ қоплангач, хитойлик йирикнинг улуши ортиб боради. Шартномавий корхоналар мустақил хўжалик бирлиги ҳамда ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлишлари мумкин.

1979-1988 йиллар мобайнида хориж капитал иштирокида 16 мингга яқин корхона барпо этилди. Шундан 7800 таси қўшма, 7680 таси шартномавий ва 424 таси чет эл корхоналари бўлиб, хориждан жалб қилинган маблағ 28 миллиард долларга етди. 7 мингга яқин корхона хозирнинг ўзидаёқ хўжалик фаолиятларини йўлга қуйиб юборан. 1988 йил йилда, совет

иқтисодчиларнинг баҳосига қараганда, хориж капитали қўшилган корхоналар мамлакат ялпи саноат маҳсулотининг тахминан 1,6 – 1,8 фоизини берган. Қўшимча ва чет эл тадбиркорлигининг саноат ишлаб чиқаришдаги салмоғи ҳали у қадар катта бўлмаса-да Хитой Халқ Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришдаги улиши сезилиб турибди.

Аввало шуни айтиш керакки, ҳамкорликнинг бундай шакли ХХР учун чет эл технологияларини олиш усуллари орасида энг самаралисидир. Нега деганда у, биринчидан технологияни ўзлаштиришдан хорижий шерикнинг манфаати юқори бўлишини таъминлача, иккинчидан Хитой томони ундан уунумли фойдаланишга, тинмай такомиллаштириб боришга ҳаракат қилади. Бир қатор қўшма корхоналарнинг таъсис хужжатларида технологияларни топшириш шартлари Хитой учун мақбул ҳисобланади. Чунки уларда бутун ҳамкорлик мобайнида такомиллашган барча технологияларни қолдириш кўзда тутилган. Масалан Хитой-Швейцарий – Гонгконг қўшма корхонаси “Чайна Шиндлер”нинг таъсис хужжатларида шартнома муддати 25 йил мобайнида яратилган жамики ихтиролар ёки технологияси мазкур корхонанинг ўзига текин бериши алоҳида банддан кўрсатиб қўйилган. Бундан ташқари Хитойга низомдаги капиталга ҳисса тариқасидаги келтирилган баъзи хил технологияларни лицензия савдоси йўллари билан олиш мумкин эмас, сабаб юксак технологияларни социалистик мамлакатларга етказиб бериш чекланган. Масалан, Хитой “Белл телефон эквинмент” қўшма корхонаси орқали бир қанча турдаги асбоб-ускуналарга эга бўлди, ваҳоланки, илгари уларни лицензиялар сотиб олиш йўли билан қўлга киритишга уринишлар зое кетган эди.

Хитой қўшма ва чет эл тадбиркорлигига кенг имкон очиб, компьютерлар, турли хил интеграл чизмалар, замонавий алоқа воситалари, автомат назорат – ўлчов аппаратлари каби олий даражадаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари

мамлакатда узоқ фойдаланиладиган истеъмол буюмлари, биринчи навбатда рўзгор электроника маҳсулотлари катта миқдорда ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай моллар эса Ўзбекистонда ниҳоятда камёб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Хитойда ҳар йили 7 миллионга яқин телевизор ишлаб чиқарилаётган бўлса, унинг 14 фоизга яқини икки қўшма корхона – “Фуцзянь Хитачи” ва “Сяиэнь оверсиз чайниз электрик индастри” ҳиссасига тўғри келади. Қўшма тадбиркорлик автомобиль саноатини ривожлантиришга катта ёрдам берди. Бу таармоқларда ташкил этилган “Шанхай фольксваген”, “Бэйцзин Джип”, “Гуан-жоу Пежо” сингари қўшма корхоналар 1988 йилда бутун Хитойда тайёрланган автомобиининг 12 фоизини етказиб берди. Яни шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қўшма корхоналар очилгач, замонавий енгил автомошиналар ишлаб чиқарила бошланди.

Бунга қадар Хитой саноати 50 йиллардаги совет моделларини, яъни эскириб қолган конструкциядаги автомобиилларни ишлаб чиқарарди. Яна бир гап, Чет эл капитали билан ҳамкорлик шу асосда ишга туширилган корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Собиқ совет олимларининг баҳо беришларича, хориж капитали қўшилган корхоналарда меҳнат унумдорлигини умуман мамлакатдаги нисбатан ўртача икки баробар юқори экан.

Муаммо ҳар соҳада ҳар қандай ишда бўлади. Жумладан чет эл капиталини жалб этиш йўли очилган Хитой корхоналарининг хўжалик фаолиятини ташкил этишда ҳам қатор муаммолар мавжуддирки, улар ҳамкорликнинг бу шаклини ривожлантиришга тўсқинлик қилиб, самарадорликни чеклаб қўймоқда. Корхоналарнинг валюта билан таъминланиши соҳасида қийинчиликлар рўй бермоқда. Хитой пули эркин муомалада бўлмаганлиги учун қўшимча корхоналар экспорт қилинган маҳсулотдан импорт хом-ашё ва тўлиқлоқчи буюмлар келтириш, мухожир мутахассисларга тўланадиган меҳнат ҳақи харажатларини қоплаш мақсадида етирли миқдорда валюта олишга хорижий шерик кўрган фойданинг бир

қисмини чегарадан чиқариб юборишга мажбурдирлар. Баъзи хисоб-китобларга қараганда, корхона ўзини-ўзи валюта билан қоплаши учун маҳсулотнинг 25-30 фоизини экспорт қилишга тўғри келади.

Бинобарин, хорижий фирмаларнинг Хитойга пул киритишдан асосий мақсади ички бозорга йўл очишдир. Бизнингча, бундай муаммони муросага келишга интилиш йўли билангина ҳал этиш мумкин.

Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг балюта билан ўзни-ўзи қоплаш муаммосига муносабати очик тақши иқтисодий сиёсат юритиш даврида муайян эволюцияни бошдан кечирди. Қўшма корхоналарнинг валюта даромадлари ва харажатларини мақбуллаштириш жумбоғини ечишга дастлаб бундан тўққиз йил бурун уриниб кўрилганди. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан 1989 йил 19 июнда тасдиқланган хорижий хитойларнинг корхоналари ва Хитой чет эл қўшма корхоналарига нисбатан валюта назоратини амалга ошириш қоидалари деган хужжатда қўшма корхоналарга импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ички бозорда чет эл валютасига сотишга рухсат берилган эди. Ўша йил сентябрида Хитой Халқ Республикасининг Хитой Халқ Республикасининг хитой чет эл қўшма корхоналари тўғрисидаги қонуни қўлланиш тартибига оид қоидалар қабул қилинди, унга кўра импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни барпо этиш имкониятлари кенгайтирилди, вилоятлар, мухтор районлар ва марказга бўйсунувчи шаҳарларнинг ижроия маҳкамалари қўшма корхоналарнинг валюта балаанссидаги камомадни ўз маблағлари ҳисобидан қоплашлари зарурлиги белгилаб қўйилди.

Бироқ қонунчилик қоидаларнинг палапартишлиги ҳамда 1985 йилда мамлакат валюта резерви камайиши шунга олиб келдики, қўшма корхоналар нафақат маҳаллий хатто марказий маҳкамалардан ҳам ёрдам ололмай қолдилар. Кейинги бир неча йил давомида қўшма корхоналарнинг валюта билан ўзини-ўзи қоплаши муаммоси кескинлиги анча юмшайди. Хитой ҳукуматининг валюта масалаларини ҳал этишга усталик билан ёндоша

бошлаганлигини натижаси бу. Мамлакатда бир қатор қонун ҳужжатлари қаул қилинди, оқибатда қўшма корхоналар учун чет эл валютасидаги даромадлар ва харажатлардаги мақбуллаштиришда кенг имкониятлар очилди. Аввало илғор технологиялардан, фойдаланиладиган, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар имтиёзларга эга бўлишди. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати 1986 йил 15 январда қабул қилинган “Хитой чет эл қўшма корхоналарнинг хориж валюталаридаги даромад ва харажатлари баланси ҳақида низом”га мувофиқ шу тоифага кирувчи қўшма ва шартномавий корхоналар Давлат режа комитети ёхуд маҳаллий режалаштириш маҳкамаларининг розилиги билан ўзларининг хатто юз фоизгача бўлган маҳсулотларини ички бозорга сотишлари мумкин. Бундай корхоналар барпо этишни тасдиқлаган органлар зарур бўлиб қолганда уларнинг валюта камомадини тўлдиришга ёрдам беришлари шарт.

Давлат режа комитети 1987 йил ноябрда чиқарган “импортнинг ўрнини Хитойчи – чет эл қўшма корхоналарининг маҳсулотлари билан тўлдириш усуллари” деб номланган ҳужжатда ҳужжатда импортбоп маҳсулотларга нисбатан аниқ талаблаар, жумладан техник тавсифи, сифати, нархи ҳамда импорт ўрнини босимни тасдиқловчи аниқ ҳолатлари белгилаб қўйилди.

Хитой Халқ Республикасида махсус валюта операциялари марказларида чет эл пулини олиш йўллариға қуйилганлиги турли қўшма корхоналар ўзини-ўзи валюта билан қоплашини таъминлашда тобора муҳим аҳамият касб этиб бораяпти. Ана шундай марказлардан биринчиси 1986 йилда Хитой Хитой Республикасининг махсус иқтисодий макони ҳисобланган Шжэньжэнда ташкил этилган. Бундай жойларда хориж капитали қўшилган корхоналар, давлат корхоналари, жамоа мулки ҳисобланган корхоналар, барча даражадаги халқ ҳукуматлари қарор топган бозор курси бўйича чет эл валютаси сотиб олишлари мумкин. Бунда максимал курси АҚШ бир доллари 5,7 юандан ошмаслиги лозим, ваҳоланки расмий курси бир долларға 3,71 юан ҳисобланади.

Шундай қилиб, махсус иқтисодий маконларда белгилаб қўйилган чеклашлар у қадар катта эмас, демак, бозор муносабатларини ривожлантиришга ёрдам беради. Масалан: 1988 йилда ана шундай марказларда амалга оширилган операциялар 6,26 миллиард долларга етди⁷.

Хитой Халқ Республикасида ички бозордан мол сотиб олиш, кейин экспорт қилиш валюта камомадини қоплашнинг яна бир усули ҳисобланади. 1986 йилда январда Давлат кенгаши қабул қилган “Хитой – чет эл қўшма корхоналарининг хориж валюталаридаги даромад ва харажатлари баланси тўғрисида”ги низом туфайли қўшма корхоналар ана шундай имкониятга эга бўлдилар. 1987 йил январиди Хитой Халқ Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи савдо вазирлиги йўриқнома босиб чиқарди, унга кўра нафақат қўшма ва шартномавий корхоналарга, балки бутунлай чет эл фуқароларига тегишли корхоналарга ҳар қандай Хитой молини марказлашган усулдаги экспорт режасига киритилганидан ташқари харид қилиш, кейинчалик экспортга чиқаришга руҳсат бериб қўйилди⁸.

Чет эл валютасидаги харажатларни экспортни келган даромадлар билан қоплайдиган хориж капитали иштирокидаги корхоналар учун валюта ўрнини тўлдиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

А) марказий ё маҳаллий маҳкамалар томонидан бериладиган валюта дотациялари;

Б) маҳсулотни ички бозорда қисман сотиш, унга тўла ёки қисман валюта билан ҳақ олиш;

В) молларни ички бозорда ҳарид қилиш, кейинчалик уни экспортга чиқариш;

Г) валюта операцияси марказларида бозордаги курс бўйича танга чет эл пулини сотиб олиш.

⁷ Ўзбек миллий энциклопедияси. “Давлат илмий нашриёти”. –Т., 2005. 9-том. –Б. 439.

⁸ “Халқ сўзи” газетаси 2006 йил 24 май, №98, 3-бет.

Кейинги йилларда Хитой раҳбарияти ўтказётган моҳирона иқтисодий сиёсат чет эл фирмаларида ишлаб чиқариш соҳасига маблағ сарфлаш рағбатини уйғотди. Бу эса маҳсулот берувчи корхоналар сонининг кескин ўсишига олиб келди. Агар 1979-1985 йилларда турли хил қўшма корхоналарнинг фақат 45 фоизини ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлса, 1988 йилда бу кўрсаткич 85 фоизга кўтарилди.

Бироқ, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати олдида ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар турибди. Аввало қўшма корхоналарнинг моддий-техника таъминоти масаласи. Хитойда ҳам ишлаб чиқариш воситаларининг ягона умуммиллий бозори шаклланиб улгурмаган. Ақникроғи, ҳозирча фақат минтақавий бозорлар ҳақида гап юритиш мумкин, холос. Улар ҳам ўзаро пишиқ пухта алоқада эмаслар. Моддий техника таъминоти маҳсулотларига нарх белгилаш муаммоси кескин бўлиб қолмоқда.

Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётидаги инфляция халқаро бозорда қўшма корхоналарнинг маҳсулоти рақобатга чидашига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Корхоналарнинг етарли даражада мустақил эмаслиги ҳам қўшма тадбиркорликнинг авж олдириб юборилишига тўсиқ бўлмоқда. Қонунга кўра улар мустақил ҳисобланадилар, бироқ маҳаллий ва марказий маҳкамалар хўжалик фаолиятига тез-тез аралашиб турадилар. Юқорида таъкидлаб ўтилган тўсиқлар, назаримда, Хитой Халқ Республикасида бозор муносабатларини етарли даражада ривожланмаганлигидандир. Улар иқтисодий ислоҳот изчил амалга оширилиши натижасидагина узил-кесил барҳам топиш мумкин.

Айни пайтда бизнинг мухтасар таҳлилимиз шуни кўрсатадики, Хитой Халқ Республикасида қўшма тадбииркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланишнинг бир мунча самарали мурувватини яратишга муваффақ бўлинди. Мавжуд муаммолар кескинлигини маълум даражада юмшатишга эришилди. Бундай ўзгартиришнинг қанчалик тўғри ва ҳаётий эканлигини вақт кўрсатади. Хитой Халқ Республикасининг бу соҳадаги тажрибасини

изда, Ўзбекистонда ҳам муваффақият билан бемалол қўлласа бўлади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, менинг хулосам Туркия, Жанубий Корея, Вьетнам каби мамлакатлар тажрибасидан ҳам ўрганиш ижобий, жиҳатлааридан фойдаланиш имкониятларини имкор этмайди.

**3-Боб. Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси
қўртасидаги иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳамкорликнинг йўлга
қўйилиши ва унинг янги босқичга қўтарилиши.**

Сиёсий жабҳада

ХХР Ўзбекистон Республикасини 1991 йил 27 декабрда тан олган ва 1992 йил 2 январда дипломатик алоқа ўрнатилган.

Икки томонлама ҳамкорлик барча жабҳаларни қамраб олган бўлиб, бунинг асосида ўрнатилган мамлакат раҳбарлари орасидаги ишонч ва дўстлик ришталари мавжуд. Терроризм, экстремизм, фундаментализм, наркотрафик ва ноқонуний қурол савдоси соҳаларидаги қарашларнинг ўхшашлиги Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга олиб келмоқда.

**Шартнома-ҳуқуқий соҳада жами 168 давлатлар аро келишувлар
мавжуд.**

Икки давлат раҳбарларини доимий тарзда ташрифларини кузатиш мумкин. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовни 1992, 1994, 1999 ва 2005 йилларда ХХРга ташриф буюрган. 2001 ва 2006 йилларда ШХТ доирасида Шанхай шахрига ва 2008 йил август ойида Пекин шахрига бўлиб ўтган 29-чи Олимпиада ўйинларида иштирок этган.

Иқтисодий жабҳада

1994 йилда тузилган савдо-иқтисодий битимга кўра, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Хитой Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида энг юқори ўринларни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2008 йил икки томонлама товар айрибошлаш 1,296 млн АҚШ доллари (143,4%га ўсиш) етган бўлса, шандан 257,38 млн АҚШ

доллари (+81,9%) экспортни ва 1,039 млрд АҚШ долллари (+176,3%) импорт ташкил этган.

2009 йил январ-феврал даврларпида икки томонлама товар айланмаси 340 млн АҚШ доллари (+112%), бундан ХХРнинг экспорти 310 млн АҚШ долллари (+128,7%), импорт эса – 30 млн АҚШ доллари (+30%) ташкил этди.

Институционал ва инвестицион ҳамкорлик

2006 йил август ойида Тошкент шаҳрида 7 савдо-иқтисодий ва илмий – техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Хитой йиғилиши бўлиб ўтган. Бунда 200 дан ортиқ хитойлик компаниялаш иштирок этган.

2007 йил апрел ойида Пекинда биринчи бор пахта савдоси бўйича ўзбек-хитой ярмаркаси бўлиб ўтган.

2006-2008 йиллар 30 дан ортиқ Хитой компаниялари 4 соҳадаги минитехнологияларга оид халқаро ярмаркада иштирок этдилар. (Тошкент, октябрь-ноябр 2006 йил, май 2007 йил ва октябрь 2008 йил).

Нефт ва газ соҳасида инвестициялар жадал равишда ривожланмоқда. Хитойнинг миллий нефт-газ компанияси Орол денгизи, Устюрт, Бухоро-Хива ва Фарғона ерларида геология қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Муҳим воқеалардан бири бу 27-28 июнда ХХР давлат кенгаши Бош вазири ўрин босари Ли Кесяннинг Ўзбекистонда ташрифи бўлиб, ташриф чоғида 2 томонлама муҳим хужжатга имзо чекилди.

2009 йилнинг бошларида Ўзбекистон Республикасида жами 223 (ХХР инвестициялари) Хитой компаниялари мавжуд, билардан: 180-СП, 43-100%лик Хитой инвестицияси асосида енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб бормоқда.

Маданий-гуманитар жабҳада

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, бунга мисол қилиб талабалар, стажерлар ва вазирликлар орасидаги ўқув курсларини келтириш мумкин. 2005 йил май ойида Ху Сзинтаони Ўзбекистонда ташриф

чоғида Тошкентда очилган Хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуция институтни айтиб ўтиш лозим. Бу ерда ҳозирги кунда 150 дан зиёд тингловчилар, талабалар, савдогарлар ва илмий ишчилар ўқишмоқда.

2008 -2009 йилларда Хитой ҳукумати ва ШХТ доирасида ўзаро икки томонлама келишувга биноан ўзбек талабаларига грант асосида 40 жой ажратилган. У ерда: хитой тили, халқаро савдо ва иқтисодиёт, менежмент, экология ва ядровий физика каби махсус фанлар киритилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Олий таълим муассасаларида 20 яқин хитойлик талабалар таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон ҳудуди Буюк ипак йўлининг чорраҳаси бўлганлигини туфайли икки давлат ўртасидаги муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга. Аммо биринчи Хитой элчиси Чжан Цяннинг қадимги Фарғона (Давань, Дайюан) давлатига келиши милoddан аввалги 128 йилда юз берган. Ушбу воқеани икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқанинг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Элчи ватанига қайтаб боргандан сўнг, хитойликлар нафақат Фарғона, балки бутун Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотларга эга бўлган. Шунинг учун улар элчини ғарбга борадиган Буюк Ипак йўлини очган шахс деб билишади. Чжан Цяндан кейин ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб кетган элчилар ва будда роҳибларининг сони кўпайган. Қадим замонлар бери Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ижобий аҳамиятга эга бўлган савдо ва бозор муносабатлар ривожланган. Шу билан бирга икки мамлакат ўртасидаги ноҳуш дамлар ҳам бўлиб ўтган. Масалан Хитойда тезлик воситаси ва бойлик мезони ҳисобланган Фарғона тулпорларини қўлга киритиш мақсадида Хань империяси қўшинларининг Фарғонага қилган уруши (мил. авв 104-100) ва Тан империяси армиясининг Тошкентга қилган ҳарбий юриши (658) бунга мисолдир. Алоқаларни ривожланиши билан бирга узум, шафтоли, мош, пиёз, ошқовоқ каби мева-сабзавотлар ва тандир нони, сомса каби озиқ-овқатларнинг юртимиз ва қўшни давлатлардан Хитойга тарқалиши кузатилган. Ўтган ўрта ва қадимги асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида

яшаган кўп кишилар Хитойга бориб фаолият кўрсатган. Улар нафақат савдо ишларида, балки қурилиш, фан ва техника соҳасида ҳам ном чиқаришган. Айниқса Хитойда ташкил топган ва Юань деб номланган муғиллар сулоласи даври (1279-1368) да Маҳмуд Ялавоч, Умар Шамсиддин ва бошқалар давлат ишларида, Жалолиддин Бухорий, хоразмлик Аҳмад Фанакадий ва бошқалар математика ва астрономия соҳасида улкан ишлар қилиб, Хитойда машҳур бўлганлар. 13-14 асрларда бир қатор табиблар Хитойда фаолият кўрсатган, улар ёрдамида Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” хитой тилига таржима қилинган ва у хитой табobati дудонаси ҳисобланган “Хуэйхуэйяофан” (“Мусулмон дориворлари”) ҳамда бошқа асарларининг яратилишига асос бўлган⁹. Ўзбекистонликлар Хитойда исломнинг тарқалишига ҳам катта ҳисса қўшилган. Шу замонларда Самарқанддан борган ва ўғиз қабиласининг солор уруғи авлодидан бўлган 40 дан ортиқ оила Цинхай вилоятида бориб жойлашган. Уларнинг авлоди кўпайиб ҳозир Хитой Халқ Республикасида мавжуд бўлган 56 халқнинг бирини ташкил қилади.

1950 йилдан Ўзбекистон Хитойнинг Синьцзян Уйғур мухтор райониға кадрлар тайёрлаш, маҳаллий аҳолини уйғур, қозоқ тилларидаги адабиёт ва ўқув китоблари билан таъминлаш тиббий ёрдам кўрсатиш, ер ости бойликларини аниқлаш ирригация тизимини яхшилаш бўйича катта ёрдам кўрсатди. Адабиётларни нашр қилиш учун Тошкентда махсус таҳририят, кадрлар тайёрлаш учун Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ўзбекистон миллий университети)да махсус кафедра ташкил этилди. 1978 йилдан Ўзбекистон талабалари Хитойга тил ўрганиш учун юборилди. Тошкентда термос ишлаб чиқарувчи Хитой-Ўзбекистон қўшма корхонаси ташкил этилди 1987. Шу йили Ўзбекистонга Хитой Халқ Республикасининг биринчи расмий делегацияси ташриф буюрди. 1990 йил ноябрда Синьцзян-Уйғур мухтор районни раиси Темур Давомат Тошкентга келди. 1991 йил июнда илк бор

⁹ Ўзбек миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2005. 9-том. 437-бет.

Ўзбекистоннинг расмий делегацияси Урушчига борди. Икки давлат ўртасида савдо ва туристик алоқалар жонланди.

1991 йил Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини тан олиб 1992 йил дипломатия муносабатлари ўрнатилгач, икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатила бошланди. Ўтган 13 йил давомида икки давлат ўртасида 100 дан ортиқ расмий ҳужжатлар имзоланди. 1992 йил 15 октябрда Тошкентда Хитой Халқ Республикаси элчихонаси, 1995 йил 6 май Пекинда Ўзбекистон элчихонаси очилди. Шу давр мобийнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 4 марта (1992 йил, 1994 йил, 1999 йил, 2001 йил) расмий ташриф билан Хитойга бўлди. Илк бор расмий ташриф билан 1995 йил Ўзбекистонга Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бошлиғи Ли Пэн келган. Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэмин (1996) ва унинг ўрнини эгаллаган Ху Цзинтао (2004) лар ҳам расмий ташриф билан Ўзбекистонга келдилар. Ху Цзинтао Хитой Халқ Республикасининг ўринбосари сифатида 1995 йилда ҳам Ўзбекистонга бўлган. Бундан ташқари, ўтган давр давомида икки давлат ташқи ишлар вазирилари, Вазирлар Маҳкамаси раҳбар ходимлари, Парламент делегациялари ва бошқанинг ўзаро ташрифлари амалга оширилди. 1994 йилда икки мамлакатда тузилган савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доимий фаолият кўрсатиб келмоқда. Ху Цзинтаонинг 2004 йил июнда Ўзбекистон Республикаси ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма делегация, шунингдек, наркотик воситаларнинг психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишда техникавий-иқтисодий ҳамкорликка иод битимлар имзоланди. 2003 йил икки томон товар айрибошлаш ҳажми 216 млн АҚШ долларига тенг бўлди. Шундан Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасига қилган экспорти 53 млн, импорти 163 млн АҚШ долларини ташкил этди. Сўнгги

йилларда Ўзбекистон бозорларида Хитой молларининг кўпайганлигини кузатиш мумкин. Хитойдан Ўзбекистонга техника, электроника, электр жиҳозлари, кофе, халқ истеъмол моллари, чой ва зиравор, оптика приборлари ва аппаратлари транспорт воситалари, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал ва бошқалар келтирилади. Ўзбекистон Хитойга рангли металллар ва уларнинг тайёрланган буюмлар минерал ёқилқи, нефть ва нефть маҳсулотлари, минерал ёқилғи пласмасса ва бошқалар юборилади. Айни вақтда Ўзбекистонда Хитой инвесторлари иштирокида тузилган 122 корхона рўйхатдан ўтган. Шулардан 102 таси қўшма корхона, 20 таси 100 фоиз Хитой сармояси ҳисобидаги корхоналардир. Республикада Хитойнинг савдо ҳамда Хитой компанияларининг 23 ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг Ўзбекистонга киритилган сармояси ҳажми 435 млн АҚШ долларини ташкил этади¹⁰.

Икки мамлакат ўртасида маданият, фан, техника ва таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. Хитой вакиллари Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида, Ўзбекистон фольклор жамоалари Пекинда ҳар йили ўтадиган халқаро маданият ва туризм фестивалида мунтазам иштирок этадилар.

1996 йил Пекин Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги, 2000 йил Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Хитой Халқ Республикаси ижтимоий Фанлар Академияси ўртасида битим имзоланди. 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари Хитойда Хитой тилида таржима қилиниб чоп этилди. Шу йил Ўзбекистонга бағишланган махсус журнал ва 2004 йил китоб нашрдан чиқди. 2000 йилда илмий техника ҳамкорлиги бўйича махсус қўмита ташкил этилган. 2001 йилда Тошкентда Хитой маданий маркази

¹⁰ “Маърифат” газетаси, 28 март, 2007 йил, 13-бет.

ташкил топди. 2002 йилда Тошкентда “Хитой Халқ Республикаси” фани ва техника кунлари деб номланган кўргазма бўлиб ўтди. 2003 йил Чангунь (Цзимин ўлкаси) шаҳрида Камоллиддин Беҳзоднинг ҳайкали ўрнатилди. 2004 йилда Пекинда Ўзбекистон – Хитой Халқ Республикаси муносабатларига бағишланган илмий анжуман, Тошкентда хитой маданияти кунлари ўтказилди. Икки давлат ўртасида талабалар алмашинуви ҳам амалга оширилмоқда. 2004 йил июнда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда Хитой талини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институтни ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

2004 йилдан Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян – Уйғур мухтор районини телевидения компаниялари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Тошкент телестудияси Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ҳақида кўрсатувлар олиб бормоқда. Спортсоҳасида ҳам икки давлат ўртасидаги алоқалар мавжуд. Икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишига 1998 йил 1 декабрда тузилди. “Ўзбекистон-Хитой” дўстлик жамияти муносаб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси умуммаданий ва тарихий жиҳатлари бирлашган мамлакатлар бўлиб, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда Осиё минтақасида ҳамкорлик ҳудудининг вужудга келишига замин яратмоқда.

Хитой мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди ҳамда 1992 йилнинг январь ойидан бошлаб икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. Икки томонлама муносабатлар кўпгина соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўз ичига қамраб олган.

Айтиш жоизки, икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ва учрашувлари доимий кўринишда тус олмоқда. Президент И.А. Каримов Хитой Халқ Республикаси раҳбари Ху Цзинтао 2004 йилнинг июнь ойида махсус ҳукумат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ҳурматли меҳмон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг Тошкент саммитида ҳам

иштирок этди. Мулоқотлар аввали биринчи навбатда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий техника маданий ҳамкорликларни янада кенгайтиришга эътибор қаратилди. Шунингдек терроризм ва эстремизмга қарши кураш, минтақада тинчликни таъминлаш ҳудудда барқарорликка эришишига диор фикрлар ва ШХТ доирасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой ялпи ички маҳсулоти аҳоли жон бошига 20 йил ичида 800 дан 3000 АҚШ долларигача етди, бу эса мамлакатнинг жаҳон банки талабларига биноан ўртача даромадга эга давлатлар қаторининг қуйи даражасидан ўрин олганини англатади.

Хитой Халқ Республикасининг ташқи сиёсати тамойиллари – халқаро нормаларга мувофиқ ҳолатда ислохотларнинг очиқ сиёсатини таъминлаш, қўшни давлатлар билан тинчликни барқарор вазиятда сақлашдан иборат.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Мамлакатлараро товар айрибошлаш айти пайтда 400 миллион АҚШ долларига яқинлашиб қолди. Умуман охири уч йил ичида Хитой Халқ Республикаси билан товар айрибошлаш 3 баробарга ошди. Ўзбекистон Хитой Халқ Республикасининг МДХ орасида тўртинчи савдо ҳамкоридир.

2004 йил Хитой Халқ Республикаси раҳбари Тошкент шаҳрига ташрифи чоғида келажакда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дўстона ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги декларацияга имзо чекди, шунингдек, икки мамлакат раҳбарлари томонидан наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш ва шу каби маҳсулотлардан қабих мақсадларда фойдаланишга қарши кураш келишувига имзо чекилди¹¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳаётида Хитой инвестицияси тобора катта роль ўйнамоқда.. “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК локоматив парки Хитой машиналари билан янгиланади. “Ситик” Хитой компанияси ва Хитой Халқ

¹¹ “Маърифат” газетаси. “Ўзбек-Хитой муносабатлари” 28 март, 2007 йил. 13-бет.

Республикаси саноат-савдо банки кредит қўйилмалари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикасидаги Қўнғирот сода заводи қайта ташкил этилди.

Ўзбек деҳқонлари хитойлик ҳамкоридан дарё ва каналларни тозалашда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик машиналари ва унинг қисмлари шунингдек, барпо этилаётган Резаксой суви омбори учун кучли насос агрегатлари сотиб олинди. Хитой инвестициясининг бир қисми Қашқадарё вилоятидаги калий ўғитлаш заводи қурилишига ҳам жалб қилинди.

Маълумки, 2001 йилнинг 14-15 июнида Шанхайда шу шаҳар номи билан аталган “Шанхай бешлиги”ни “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” (ШХТ) деб қайта номлашга қатор қилинди. 15 июнда “Шанрила” меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов нутқ сўзлади. “Шанхай ташкилотини биз тухта ўйлаган, дунёга барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган, шунингдек ҳудудда ва жаҳон сарҳадларида хавфсизликка таҳдид солаётган, биринчи навбатда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш олиб борган деб ҳисоблаймиз” – деганди ўшанда Ўзбекистон раҳбари Ислам Абдуганиевич Каримов.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш учун катта имкониятлар бор. Хитойда 20 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ислоҳатлар ва ошкоралик сиёсатининг ўтказилиши натижасида миллат салоҳияти ўсиб борди, чет эл инвестицияси ҳажми кескин ошди.

2005 йилга келиб бутун товар айрибошлаш кўрсаткичи 680 млн АҚШ долларини ташкил қилди. Бошқача қилиб айтганда, 2004 йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиш кузатилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро товар айрибошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Бироқ савдо тизимининг ўзи янада такомиллаштиришга муҳтож. Хитой асосан Ўзбекистонга маиший электрон ускуналар, коммуникация жиҳозлари, нефть қазиб олувчи

қурилмалар, кимё саноати маҳсулотлаи ва бошқалар шулар жумласидандир. Биргина 2006 йилнинг дастлабки ойларида ўзаро товар айрибошлаш хажми 160 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 92 фоиз ўсишга эришилди. Хусусан 2006 йилда Хитойга Ўзбекистондан 27,73 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди, бу ўтган йилнинг шу даври билан таққосланча 17,7 фоиз кўп дароматдир. Хитойдан эса Ўзбекистонга 130 млн АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди, ўсиш 120,2 фоиз.

Мамлакатимиз ўртасидаги савдо-сотиқни янада кенгайтириш учун фикримча, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, нефть ва табиий газ қазиб олиш, минерал ресурсларни ўзлаштириш, қурилиш инфратузиилмаси, кимё саноати, электрон маҳсулотлар, маиший ускуналар ишлаб чиқариш соҳасиларидаги ҳамкорликда фақат ўз имкониятларимизни ишга солишга ҳаракат қилиш; Шу тариқа минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш орқали икки томонлама савдо алоқаларига кучли туртки бериш мумкин¹².

Бунгунги иқтисодий глобаллашув биз яшаётган даврнинг рад этиб бўлмас оқимиға айланди. Айни пайтда минтақавий ва гурули иқтисодий интеграциялашув жараёнлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бунга боғлиқ равишда сўнги йилларда Марказий Осиёда иқтисодий интеграциялашув жараёни кучаймоқда. Марказий Осиё халқлари асрлар давомида биргаликда дўстона ва тинч-тотув яшаб келишган ўзаро яқин алоқалар ўрнатишган. Бундай шароитда иқтисодий интеграция узлуксиз чуқурлашиб бориш нафақат ресурсларни биргаликда ўзлаштириш, иқтисодий юксалиш, бу мамлакатлаар аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга ёрдам беради, балки Марказий Осиё барқарорлик ва тараққиётга ҳам ижобий таъсиир кўрсатди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ташкил этилганидан буён Хитой ва Ўзбекистон бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ҳурмат қилиб келмоқда.

¹² “Маърифат” газетаси. “Ўзбек-Хитой муносабатлари” 28 март, 2007 йил. 13-бет.

Яқин ҳамкорликни йўлга қўйиб, катта муваффақиятга эришди ҳамда мазкур ташкилотни яратиш ва шакллантиришда муҳим роль ўйнади.

ШХТнинг нуфузли аъзо мамлакати сифатида Ўзбекистон ташкилотининг барча аъзо давлатлар билан биргаликда фаол ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди, муносабатларни мувофиқлаштириб борди ва улар ўртасидаги ўзаро англашув ҳамда ишончнинг чуқурлашишига, ташкилотнинг ўсиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Шу сабабли Хитой томони Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотдаги ўрнини юксак баҳолайди. Ҳозирги пайтда ижобий натижалаарга эришиш мақсадида ШХТ мамлакатлари ғоялари, интилишлари ва ҳаракатлари ҳамо-ҳанглиги намоён этиши, самимий ҳамкорлик олиб бориши, мақсад сари умумий интилишни сақлаб қолиши зарур. Шу нуқтаи назардан аминмизки, Хитой ва Ўзбекистон азалдан мавжуд анъаналарини давом эттиради ва ўзаро ишонч манфаатдорлик тенглик ўзаро маслаҳатлашув, маданиятлар хилма-хиллиги давом этади.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Осиёнинг тараққий топган мамлакатлари, хусусан, Осиё-Тинч океани минтақасидаги жануби-Шарқий ва жанубий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилишга катта аҳамият бермоқда. Республикамиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Осиё мамлакатлари, хусусан, Хитой билан дўстона алоқаларни ўрнатиб, ривожлантириб келмоқда. Ҳозирги даврда Хитой Халқ Республикаси билан кенг миқёсда ҳамкорликни амалга оширишга Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатдаги устивор йўналишлардан биридир¹³.

Хитой бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Хитой ядро қуролига эга, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси. Дунёдаги ҳар бешинчи одамнинг бири хитойликдир. Хитой пахта, дон, гўшт, мева ва сабзавотлар, қалай, кўмир ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринларда туради. Мамлакат иқтисодиёти жадал суръатларда

¹³ Жамият ва бошқарув. 2008 йил 3-сон. 37-бет.

ўсиб бормоқда, ялпи ички маҳсулот 1998 йилда 923560 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2000 йилда бир триллион АҚШ долларига етди. Бир неча йиллардан буён мазкур мамлакат иқтисодиёти ҳар йили 8-10 фоизга ўсмоқда. Дунёдаги жами хорижий инвестицияларнинг деярли 20 фоизи Хитойга киритилмоқда. Хитойда 20 йиллик ислоҳот жараёнида мамлакат миллий ялпи маҳсулоти қарийб 4 маротабага ошди, ҳар бир кишига тўғри келадиган йиллик ўртача даромад 800 АҚШ долларини ташкил қилмоқда. 2000 йилда Хитойнинг ташқи савдо ҳажми рекорд натижага эришди – 474,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Шу маънода, Хитой билан иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатишини инобатга олиб, республика раҳбарияти ушбу мамлакат билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли кўп томонлама алоқалар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратди. Ўз навбатида, Хитой Халқ Республикаси ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги геополитик мавқеини ҳамда унинг иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олиб, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб икки томонлама алоқаларни йўлга қўйишга киришди. 1992 йил январидан икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиб, савдо иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2001 йилгача Хитой Халқ Республикасига уч маротаба – 1992 йилнинг март ойида, 1994 йилнинг октябр ойида, 1999 йилнинг ноябр ойида расмий ташриф билан борди. 1994 йилдан 2001 йилга қадар Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари Ўзбекистонга 4 маротаба ташриф буюришди. Мазкур ташрифлар жараёнида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида 50 дан ортиқ давлатлараро битимлар имзоланди, улар икки давлат ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш, Хитой банки билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий миллий банки, автомобил ва денгиз транспорти соҳасида, ахборот айрибошлаш, телекоммуникация, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, темир йўл

транспорти, илмий-техникавий, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш назарда тутдилар.

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари – хорижий инвестицияларни жалб этиш, кўшма корхоналар ташкил қилиш, ташқи савдо ва банк алоқалари, савдо-иқтисодий кўргазларни уюштириш ва ҳаказолардан иборат. 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХХР ҳукумати ўртасида “Ўзаро капитал маблағлар киритишни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги битим имзоланди.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига ва бошқа соҳаларга капитал маблағ киритишнинг турли шаклларида фойдаланмоқда. 1992 ва 1994 йилларда Ўзбекистонга икки мартаба озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича умумий қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бўлган товар кредитлари тақдим этилди.

1995, 1997, 1999 ва 2000 йилларда ХХР ҳукумати томонидан республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Соғлом авлод учун” фондига дори-дармон, тиббий ускуна ва жиҳозлар харид қилиш учун 12 миллион юань қийматига тенг беғараз грантлар ажратилди.

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари бири кўшма корхоналар ҳамла хорижий сармояларни жалб этиш эвазига корхоналар ташкил этишдан иборат. Мазкур корхоналар ҳам республикасининг иқтисодиёти ўсишида, ишлаб чиқариш кучлари юксалишида, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, халқ фаровонлигини оширишда, аҳоли бандлик ҳамда ишсизлик муаммоларини бартараф этишда катта аҳамиятга эга¹⁴.

2000 йил охирига келиб, хитойлик инвесторлар иштирокидаги 49 корхона ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси сифатида фаолият кўрсатди. Бу кўрсаткич 2001 йилда 54, 2002 йилда 70, 2003 йилда 79, 2004 йилда 96,

¹⁴ Жамият ва бошқарув. 2008 йил 3-сон. 38-бет.

2005 йилда 107 тани ташкил этди. Қўшма корхоналар асосан чакана ва улгуржи савдо воситачилик хизмати, енгил саноат маҳсулотларини, радиоэлектрон техника ва жиҳозларни, озиқ-овқат маҳсулотларини халқ истеъмолли молларни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта илаш, маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади.

Булардан ташқари Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикасига тегишли йирик фирма йирик ва компанияларнинг 9 та ваколатхона очилди. Хунан провинциал экспорт-импорт корпорацияси, чой импорти ва экспорти бўйича Хитой корпорацияси, Шиндон Ташқи иқтисодий ва савдо компанияси, донли экинлар, ёғ ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари импорт ва экспорт бўйича Хитой компанияси Тенсуна интернейшнл Лимитед компанияси шулар жумласидандир¹⁵.

Гулистон шаҳрида “PANA” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошланди. Уни барпо этиш учун таъсисчилар 600 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлашди. Бу ерда маҳаллий хом ашёдан юк ташишга мўлжалланган ихчам, бошқаруви қулай, чиройли мотоаравалар тежамкор бўлиб, 100 километр масофага бор-йўғи 2,8 литр ёнилғи сарфлайди. Қолаверса, 800 килограммгача юк ташиш имкониятига эга. Ишлаб чиқаришда, асосан, маҳаллий хом-ашёдан фойдаланилаётганлиги боис маҳсулот нархи ҳам миждозларга мақбул даражада қилиб белгиланган. Корхонага Хитойдан 200 минг АҚШ долларилек линия келтирилди. Қўшма корхона кунига 10 тагача мотоарава тайёрланмоқда. Маҳсулотимизга аллақачон юртимизнинг барча вилоятларидан буюртмалар олган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Фарғона водийсидан 150 дан ортиқ маҳсулотга талаб тушди. Бозор шароитларига қараб, келгусида ишлаб чиқариш хажми янада кенгайтириш ниятидамиз. Энг муҳими қўшма корхона

¹⁵ Жамият ва бошқарув. 2008 йил 3-сон. 38-бет.

фаолият кўрсата бошлаши билан маҳаллий ёшлардан 15 нафари иш билан таъминланди¹⁶.

Хитой пойтахти “Шош” деб номланган ўзбек миллий таомлари арт-ресторани очилди. Мазкур воқеа Тошкентнинг келгуси йилда нишонланадиган 2200 йиллик юбилейига бағишланди.

Очилиш маросимида ХХРнинг турли вазирлик ва идоралари, ижтимоий-сиёсий, илмий-тадқиқот муассасалари, ишбилармон доиралари вакиллари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари ҳамда Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этди.

Янги ресторан ҳақида ҳикоя қилар экан, Хитойнингэнг нуфузли нашрларидан бири – “Жэньмин Жибао”, жумладан бундай деб ёзади: “Шош” нафақат ўзбек, балки Марказий Осиё халқларининг энг мазали таомларини таклиф этадиган Хитойдаги дастлабки ресторанлардаан биридир. Ресторанга “Шош” деб ном берилгани бежиз эмас. Келгуси йилда ўзининг 2200 йиллигини нишонлайдиган Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳри қадимда ана шундай аталган”¹⁷.

Айтиш жоизки, ресторан мажиизлари ўзбек таомларидан тотиб кўриш баробарида юртимиз тарихи ва маданиятига ошно бўлади. Бу ҳақда баён этиб, “Жэньмин Жибао” ресторан турли ранго-ранг миниатюра асарлари, ганчкорлик санъати намуналари, сўзана ва ўзбек халқ амалий санъати буюмлари, миллий либослар, халқ члғу асбоблари ва тарихий суратлар билан безитилганлиги таъкидлайди. “Шош” Пекин аҳоли ҳамда Олимпиада ўйинлари муносабати билан Хитойга келувчи меҳмонлар орасида катта шухрат қозониши шубҳасиз” – дея таъкидлайди нашр.

Рестораннинг тантаналии очилиш маросимида иштирок этган меҳмонлар ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, “Шош” нафақат хилма-

¹⁶ “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 27 март.

¹⁷ “Халқ сўзи” газетаси. 2008 йил 8-май.

хиил тотли таомлардан бахраманд бўлиш, балки ўзбек маданияти билан яқиндан танишиш ва бу бетакрор ўлканинг қадимги ва шонли тарихи ҳақида таассурот ҳосил қилиш мумкин бўлган маскан эканлигини таъкидладилар.

Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари, профессор Дун Сяоянинг сўзларига кўра, ресторанга келган ҳар бир инсон ўзини Шарқ нафосати ва гўзаллиги, меҳмондўстлигию, очиққўнгиллиги уфуриб турган ўзига хос дунёга тушиб қолгандек ҳис қилади. “Шош” – Ўзбекистоннинг Хитойдаги бир бўлагидир. Ўзбекистон маданияти ва санъати нафис эсарлари, мазали таомлари ва кўнгилга ажиб таскинлик бахшида этувчи ўзбек куйлари бу ерда келган ҳар бир кишини ўзига мафтун этади дейди ХХР Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги ШХТ тадқиқотлари маркази бош котиби, профессор Сун Чжуанчжи¹⁸.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашиш учун Екатеринбург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари 2005 йилда имзонланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

- Биз Хитой билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак кадрлаймий деди Ислон Каримов.
- Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фирк алмашиш учун қулай имкониятдир, - дейди Ху Цзиньтао.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосига қурилган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлаантириш масалаларига, минтақвий ва халқаро муаммоларга қарашли ўхшаш ва яқин экани муҳим омил бўлмоқда.

¹⁸ “Халқ сўзи” газетаси. 2008 йил 8-май.

Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқотлар, турли мақомдаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда.

Молиявий ҳамкорлик доирасида хтоий ҳукуматининг фоиизсиз ва узок муддатли имтиёзли кредитлари, Хитой Эксимбанкнинг экспорт кредитлари ҳисобидан ижтимоий соҳага оид ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга доир кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда¹⁹.

Нефть-газ соҳада срамоявий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) Орол денгизи акваториясида, Устюрт, Бухоро, Хитой ва Фарғона сармоявий блокларида геология-разветка ишларини олиб бормоқда.

Мамлакатимизда енгил саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, хиизмат кўрсатиш каби соҳаларида 223 та Ўзбекистон – Хитой кўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг 44 та фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳасидаи алоқалар жадал ривожланмоқда. Фестиваль, кўргазма, маданият кунлари ва бошқа мадний тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекиндаги Миллар марказий университетида Ўзбек тили бўлиши очилганини таъкидлаш жоиз. Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқа ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашишдилар²⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2011 йил 18 март куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Марказий ҳарбий кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Лян Гуанлени қабул қилди.

¹⁹ “Халқ сўзи” газетаси. 2009 йил 16 июн.

²⁰ “Халқ сўзи” газетаси. 2009 йил 16 июн.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга таашрифи билан қутлар экан экан, кейинги йилларда Ўзбекистон – Хитой муносабатлари икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларида изчил ривожланиб бораётганини, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг 2010 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифидан кейин янги, янада юқори суръат касб этганини таъкидлади.

Биз Хитойни ишончли ҳамкор деб биламиз. Бугунги кунда Хитой ўз иқтисодий салоҳияти бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз муҳофаа вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин намоёнидир, - деди Илом Каримов.

Икки ва кўп томонлама ҳамкорликка ҳамда минтақавий ва халқаро сиёсатига оид муҳим масалаларга ёндашувларнинг ўхшаш ва яқин экани мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни изчил ривожлантириш ва ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлашнинг салмоқли рағбатлантирувчи омилдир. Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Хитой бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлаб, “уч ёвуз куч” – терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда²¹.

Учрашувда минтақада тарқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий, сармоявий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилга айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Томонлар иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг суръати ва кўлами ошиб бораётганига, инфратузилма ва саноат соҳасида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётганига юқори баҳо бердилар. Учрашувда Лян Гуанле мамлакатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху

²¹ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 19 март.

Цзиньтаонинг эзгу тилакларини изҳор этди, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди²².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаонинг таклифига биноан 2011 йил 19 апрел куни давлат ташрифи билан Пекинга келди²³.

Ташриф чоғида Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Пекин марказидаги Халқ вакиллари мажлислар саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш амросимидан сўнг Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида учрашув бўлди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон –Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболи, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Хитойни бой тарих ва маданиятга, улкан салоҳиятга эга бўлган давлат, ишончли ҳамкор ва қўшни деб билиши, ушбу музокара ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари Хитойнинг яқин дўсти экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига қўшган улкан ҳиссаси юксак қадрланиши таъкидланди. Ушбу учрашув томонларни қизиқтирган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият экани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик билан боғлиқ

²² “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 19 март.

²³ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 20 апрел.

масалалар муҳокама этилди. Музокара якунида Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик, конларни ўзлаштиришга оид ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди²⁴.

Ташриф дастури тадбирларга бой бўлиб, кетма-кет қатор учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон республикаси Президентининг самолёти Пекин шаҳри аэропортига қўнганидан кейин бир соат ўтар-ўтмас, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши биносида Ислон Каримовни тантанали расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида Ислон Каримов ва Ху Цзиньтаонинг музокаралари ўтказилди ва кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

Музокара аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон делегациясининг ушбу ташрифига мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни жадал ривожлантириш жараёнининг мантиқий давоми, ҳар икки томонни қизиқтирган ғоят муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш ва уларни муҳокама қилиш, самарали ҳамкорлигимизга янги суръат бахш этиш имконияти сифатида қараймиз”, деб таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатида икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан сиёсий соҳада, хавфсизлик муаммолари борасида, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда маданий-гуманитар соҳадаларда ҳамкорлик хусусида атрофлича фикр алмашилди²⁵.

Бўлиб ўтган музокараларнинг мазмун-моҳияти ва муҳокама қилинган давлат аҳамиятига молик йирик масалаларнинг кўлами томонлар ўзаро

²⁴ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 20 апрел.

²⁵ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 21 апрел.

муносабатларнинг кун тартибига қўйилган масалаларига, мамлакатларимиз олдида турган стратегик вазифаларни ҳал этишга нечоғли жиддий ёндашганини намоён этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларнинг янги даврига, сифат жиҳатдан янги босқияга қадам қўяётганини, бу босқич юқори технологиялар соҳасида кенг кўламли ҳамкорлик бошлагани билан изоҳланишини таъкидлади.

Сиёсий ва иқтисодий соҳада муҳим келишувларга эришилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР Давлат кенгаши бош вазири Вэнь Цзябао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг музокарасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни яқин йилларда тубдан кенгайтириш бўйича эришилган келишувларни амалиётга жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Хитой томони Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш динамикаси ва кенг кўламли тузиилмавий яқинланишларга юксак баҳо берди ва юқори технологиялар соҳасида, жамладан, саноат ва технологиялар парклари яратиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Ўзбекистон раҳбари Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Раиси У Банго билан учрашди. Мулоқот чоғида давлатлараро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда ХХР ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди. Конструктив ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат асносида Ўзбекистон ва Хитойнинг сиёсий — дипломатик соҳадаги ҳамкорлигига доир ғоят муҳим

масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди²⁶.

Ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР савдо вазири Чэнь Дэминь ҳамда Хитойнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармоясини жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

ХХР савдо вазири ва Хитой ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари ташриф асносида имзоланган Сармояларни ھимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ғоят долзарб ва муҳим аҳамиятга эга ҳужжат эканини таъкидладилар²⁷.

Хитой Эксимбанки ва Давлат банки раҳбарлари Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли эканини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бу яна бир қарра ўз тасдиғини топганини қайд этдилар.

Хитойнинг етакчи банклари қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканини билдириш қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканини билдириб, ташриф доирасида қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси учун улар томонидан Ўзбекистоннинг тўрт банкка умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг янги кредит линиялари очилганини маълум қилди.

Шунингдек, Хитой Халқ банки билан Ўзбекистон Марказий бинки ўртасида сўм ва юань айрибошлаш тўғрисида битим имзоланди. Бу сармоя ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

²⁶ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 21 апрел.

²⁷ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 21 апрел.

Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари билан бўлган музокаралар икки томонлама муносабатлар жадал ва изчил ривожланаётганини ҳамда устивор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини ёрқин намоён этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовга Хитой иқтисодиётининг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини қоплаш учун Ўзбекистондан стратегик хом-ашё товарларни етказиб бериш сезиларли даражада кенгайтирилгани учун миннатдорлик дилдирди. Бунинг натижасида икки томонлама товар айрибошлаш ҳажми сўнгги беш йилда тўрт баравардан зиёдроқ ошди.

Бу борада Хитойга узоқ муддатли ва муттасил равишда пахта толаси, табиий газ, уран концентрати, рангли металлларЮ, нодир ва камёб элементлар, минерал ўғитлар каби стратегик товарлар етказиб беришни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан томонлар Стратегик товарлар савдоси тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг амал қилиш муддатини 2020 йилгача узайтиришга келишиб олдилар²⁸.

ХХР раҳбарияти ташриф асносида “Ўзбекистон – Хитой” газ қувурининг учинчи тармоғини барпо этиш тўғрисидаги битим имзолангани муҳим аҳамият эга эканини таъкидлади. Шу тариқа қувурнинг газ узатиш қуввати йилиги 25 миллиард куб метрга етказилади.

Давлатлар раҳбарлари стратегик материаллар етказиб бериш борасидаги ҳамкорлик принципиал аҳамиятга эга бўлса-да, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиши Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш мақсадада мамлакатимизда юқори технологияларни жалб қилиш билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар ижроси эканини қайд этдилар.

²⁸ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 21 апрел.

Ташриф доирасида кимё, нефть-газ, энергетика, транспорт соҳаларида йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги биитимлар имзоланди. Бу хужжатлар, жамладан Деҳқонободо калийли ўғитлар заводиининг иккинчи навбатини барпо этиш, Ангрен шаҳрида автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, конвейер лентасини ишга тушириш, шунингдек, бутадион каучук, суюлтирилган табиий газ, металон, моноклоруксусли кислота ишлаб чиқариш, иссиқлик электр станцияларида янги энергия блоклари қуриш, кўмир саноатини модернизация қилиш ва ривожлантириш, замонавий электровозлар етказиб бериш каби йўналишларга қаратилган.

ХХРнинг етакчи телекоммунакация компаниялари – “Хуавей” ва “ЗТЕ” билан қўшма сармоявий лойиҳалар амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Ўзбекистон ва Хитойни боғлайдиган ишончли коридорлар барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шарқий Хитой – Навоий аэропорти – Европа ҳаво йўлини очиш ҳамда Ўзбекистон ва Хитойни энг қисқа йўллар билан боғлайдиган темир йўл магистралини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди²⁹.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, Хитой Ўзбекистонни узоқ муддатли асосда ҳамкорлик қиладиган ишончли шерик, де билишини алоҳида таъкидлади.

Ташрифнингяна бир муҳим натижаси Ўзбекистон билан ХХР ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик кўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилди.

²⁹ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 21 апрел.

Ташриф якунларига доир энг муҳим хужжат давлатлар раҳбарлари имзолаган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларация бўлди. Унда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни узоқ муддатли асосда ривожлантириш истиқболларига берилган баҳо ўз аксини топган.

Томонлар БМТ ва бошқа етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар доирасидаги конструктив ҳамкорликдан мамнуният изҳор этдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, савдо-иқтисодиёт, сармоя, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар³⁰.

Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг пухта ўйланган вазмин ва оқилона сиёсатини, ягона Хитой масаласи бўйича принципиал позициясини “уч ёзув куч” – терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши муросасиз курашини ҳамиша қатъий қўллаб-қувватлайди.

Хитой томони Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиё суверен энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари борасидаги ташвишларини тўлиқ англашишга маълум қилди.

Умуман, ташриф асносида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 25 дан зиёд хужжат имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида бир қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 5 миллиарддан ошади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов самимий қабул ва меҳмондўстлик учун ХХР Раиси Ху Цзиньтаога миннатдорлик билдириб, уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди ва бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди³¹.

³⁰ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 21 апрел.

³¹ “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 21 апрел.

Пойтахтимизда 2012 йил 28 март куни ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро қўмитанинг Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқа, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, кимё саноати, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳалар учун маъсул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, қўмита ҳамраиси Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоқаҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг апрел ойида Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда³².

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 65 компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатаёпти. Музокарада хитойлик меҳмонлар мамлакатимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийини ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, “Навоий”

³² “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 29 март.

эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қулай имкониятлар билан танишдилар.

Бугунги анжуман давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш юзасидан музокаралар олиб бориш учун яна биир яхши имконият бўлди, - деди Хитой Халқ Республикаси тижорат вазири ўринбосари, қўмита ҳамраиси Цзян Яопин. Хитой Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзаро дўстона алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигини изчил равнақ топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Хитой Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради, шунингдек, мамлакатингизнинг йирик сармоявий ҳамкорларидандир. Сўнги йилларда ҳамкорлик қамрови янада кенгаймоқда. Жумладан, нефть-газ ва геология-қидирув йўналишларидаги алоқалар фаоллашмоқда. Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттиришдан манфаатдормиз ва бу алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқиш ниятидамиз.

Музокарада икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашиоди. Ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоявий, молиявий ва техникавий ҳамкорликка, тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди³³.

Пойтахтимизда 30 март куни Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича бизнес-форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, кимё саноати, ахборот технологиялари, транспорт

³³ “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 29 март

коммуникациялари, қурилиш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳалар учун маъсул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев, Ўзбекистон савдо-соноат палатаси раиси А.Шайхов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувларида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилаётир. Ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, 65 та Хитой компаниясининг ваколатхонасси фаолият кўрсатмоқда³⁴.

Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари Цзян Яопин Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида қайд этди.

Хитой Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, - деди Цзян Яопин. – Биз, айниқса, савдо, сармоя ахборот тахнология каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз. Хитой ишбилармонларининг ўзбекистонлик шерилар би билан ҳамкорликка қизиқиши тобора кучайиб бораётгани жуда қувонарлидир.

Хитойнинг қирққа яқин компаниясидан вакиллар қатнашган форумда меҳқонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устивор

³⁴ “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 31 март

йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ислоҳотлар самаралари билан танишдилар. Форумда икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт, сормоя, савдо, энергетика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар самарали билан танишдилар.

Форумда икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт, сармоя, савдо, энергетика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, машинасозлик ва электроника каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида, шунингдек, Жиззах вилоятида саноат паркини ташкил этиш бўйича қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Унда хитойлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан бииргаликда кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

Форумда Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов сўзга чиқди³⁵.

³⁵ “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 31 март

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Хитойнинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Бунга сабаб, икки давлат ўртасидаги кўпгина масалалар бўйича фикрларнинг муштараклигидир. Икки ҳамдўстлик мамлакатнинг ўзаро ишонч, ҳурмат ва тенг манфаатлар асосида қурилган ҳамкорлигининг келажаги порлоқдир.

Хитой Ўзбекистон ўзаро интилишлари муаян натижалар берди. Тарих бизнинг ҳудудларимизни ва бу жойларда қадимдан Буюк Ипак йўли давридан бошлаб яшовчи халқларимизни боғлаб қўйган. Қолаверса иккихалқлар ўртасида ўзаро қизиқиш сақланиб қолган ва уни қондиришга ҳаракат қилиниб келинмоқда. 2006 йил бошларида Ўзбекистонда Хитойнинг етакчи сураткаш ва рассомчилик санъати усталарининг ишлари намойиш этиладиган “Хитой манзаралари” кўргазмасининг очилиши ҳам бу ишларимизнинг мантикий давоми бўлади. Хитой – Ўзбекистон ҳамкорлиги биир неча олий ўқув юртларида Хитой Халқ Республикаси элчихонасида “Хитой тилига кўприк” номи остида танлов ўтказилди. Худди шу танлов бошқа бўлиб ўтди. Хитой Ўзбекистон ҳамкорлиги йилдан йилга самарали ошмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг апрел ойида Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Хитой ЭКСИМБАНКИ ва Давлат банки раҳбарлари Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли эканини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бу яна бир қарра ўз тасдиғини топганини қайд этдилар.

Хитойнинг етакчи банклари қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканини билдириш қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр

эканини билдириб, ташриф доирасида қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси учун улар томонидан Ўзбекистоннинг тўрт банкига умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг янги кредит линиялари очилганини маълум қилди.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳасидаи алоқалар жадал ривожланмоқда. Фестиваль, кўргазма, маданият кунлари ва бошқа мадний тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекиндаги Миллар марказий университетида Ўзбек тили бўлиши очилганини таъкидлаш жоиз. Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқа ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашишдилар³⁶.

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари – хорижий инвестицияларни жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, ташқи савдо ва банк алоқалари, савдо-иқтисодий кўргазмаларни уюштириш ва ҳаказолардан иборат. 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХХР ҳукумати ўртасида “Ўзаро капитал маблағлар киритишни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги битим имзоланди.

Ўзбекистон ҳудуди Буюк ипак йўлининг чорраҳаси бўлганлигини туфайли икки давлат ўртасидаги муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга. Аммо биринчи Хитой элчиси Чжан Цяннинг қадимги Фағона (Давань, Дайюан) давлатига келиши милоддан аввалги 128 йилда юз берган. Ушбу воқеани икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқанинг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Элчи ватанига қайтаб боргандан сўнг, хитойликлар нафақат Фарғона, балки бутун Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотларга эга бўлган. Шунинг учун улар элчини ғарбга борадиган Буюк Ипак йўлини очган

³⁶ “Халқ сўзи” газетаси. 2009 йил 16 июн.

шахс деб билишади. Чжан Цяндан кейин ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб кетган элчилар ва будда роҳибларининг сони кўпайган. Қадим замонлар бери Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ижобий аҳамиятга эга бўлган савдо ва бозор муносабатлар ривожланган. Шу билан бирга икки мамлакат ўртасидаги нохуш дамлар ҳам бўлиб ўтган. Масалан Хитойда тезлик воситаси ва бойлик мезони ҳисобланган Фарғона тулпорларини қўлга киритиш мақсадида Хань империяси қўшинларининг Фарғонага қилган уруши (мил. авв 104-100) ва Тан империяси армиясининг Тошкентга қилган ҳарбий юриши (658) бунга мисолдир. Алоқаларни ривожланиши билан бирга узум, шафтоли, мош, пиёз, ошқовоқ каби мева-сабзавотлар ва тандир нони, сомса каби озиқ-овқатларнинг юртимиз ва қўшни давлатлардан Хитойга тарқалиши кузатилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент, “Ўзбекистон” 1997 йил.
2. Каримов И.А. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўли” Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998 йил.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Тошкент, “Ўзбекистон” 1999 йил
4. Ўзбекистон Республикаси. Тошкент, 1997 йил.
5. Тюриков В., Шоғуломов Р. “Мустақил Ўзбекистон Республикаси” биринчи китоб. Тошкент “Ўзбекистон” 1998 йил
6. Тюриков В., Шоғуломов Р. “Мустақил Ўзбекистон Республикаси” иккинчи китоб. Тошкент “Ўзбекистон” 2000 йил.
7. Гуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. “Мустақил Ўзбекистон”, Тошкент, 1999 йил
8. Гуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. “Мустақил Ўзбекистон”, Тошкент, 2003 йил
9. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси. Тошкент. Ўзбекистон, 2001 йил.
10. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 9-том. Тошкент. 2005 й.
11. Новейшая история стран Азии и Африки. Москва. 1987.
12. “Халқ сўзи” газетаси. Тошкент 2004 йил 24 май. №98 (3897)
13. “Жаҳон мамлакатлари” справочник. Тошкент. 2005 йил.
14. “Маърифат” газетаси. Тошкент. 2003 йил, 16 май.
15. “Ўзбекистон овози” Тошкент. 2007 йил 28 март.
16. Халқ сўзи. 2008 йил, 8 май.
17. Жамият ва бошқарув. 2008 йил 3-сон.
18. Халқ сўзи. 2009 йил, 27 март.
19. Халқ сўзи. 2009 йил, 16 июнь.
20. Халқ сўзи. 2011 йил 20 апрел.
21. Халқ сўзи. 2011 йил 21 апрель
22. Халқ сўзи. 2012 йил 29 март.

Термиз давлат университети кундузги бўлим ботирувчиси Исмаилов
Ҳусниддиннинг 5120300-тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Хитой халқ
республикасининг иқтисодий тараққиёти ва ўзига хос жиҳатлари.”
мавзусидаги ботирув малакавий иши муаллифлик

АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги:

Ишнинг мақсади ва вазифалари:

Тадқиқот объекти ва предмети:

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси, амалий
аҳамияти ва тадбиғи:**

Ишнинг тузилиши ва таркиби:

Олинган асосий натижалар:

Иқтисодий самарадорлиги:

Таклифлар:

Раҳбар _____

Талаба _____

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Йўналиш: Тарих

«Тасдиқлайман»

Факультет декани _____

«_____» _____ 2012 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Ишнинг мавзуси _____

«_____» _____ 20__ йил кафедра мажлисида
маъқулланган.

«_____» _____ 20__ йил ректорнинг № _____ -
сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Ишни топшириш муддати _____

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

5. Адабиётлар таҳлили:

6. Маслаҳатчилар.

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топширик берди	Топширик қабул қилинди

7. Битирув иши бажариш режаси

	Босқичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилганлик белгиси

Битирув иши раҳбари_____

Кафедра мудири_____

Топшириқни бажаришга олдим _____

«_____» _____ 20__ йил

Ўқув методик кенгашининг
3-апрель 2002 йилги 5-баён
номаси билан тасдиқланган

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Тарих факультети

_____ таълим йўналиши
Битирувчиси _____ нинг
(Ф.И.Ш)

мавзуидаги битирув малакавий ишига ДАКнинг
ХУЛОСАСИ

Термиз давлат университети ДАК Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
БМИ ни бажариш ҳақида 31.12.98. йил 362-сонли буйруғи билан
тасдиқланган Низомга асосан қуйидагиларни аниқлади:

1. БМИнинг хажми ва талаб бўйичарасмийлаштирилганлиги (меёр:
тиббий йўналишлар-50 бетдан, ижтимоий-гуманитар-70 бетдан кам
бўлмаслиги керак): талабга жавоб беради-_____ балл
2. талабга қисман жавоб беради-_____ балл
3. талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд _____ балл
4. Мавзунинг давлат ва университет грант дастури асосида ёки долзарб
муаммолар бўйича танлаганлиги: давлат дастурига кирган _____ балл
5. Грант лойиҳаси бўйича _____ балл
6. ТерДУ дастури бўйича _____ балл
7. долзарб муаммолар бўйича _____ балл
8. Мавзунинг долзарблиги асосланганлиги: етарли даражада
асосланган _____ балл
9. етарли даражада асосланмаган _____ балл
10. ноаниқ _____ балл
11. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ ифодаланганлиги: аниқ -
_____ балл,
12. тўлиқ аниқ эмас – _____ балл,
13. аниқ эмас – _____ балл,
14. БМИ бажаришда илмий текшириш методлардан фойдаланганлик
даражаси тўла _____ балл
15. қисман _____ балл
16. етарли эмас _____ балл
17. Олдинги натижаларнинг янгилиги ва ишончлилиги даражаси
натижа янги _____ балал

18. илгари олинган _____ балл
19. тўла ишончли эмас _____ балл
20. БМИнинг хулоса қисмида ишлаб чиқаришга тавсия берилганлиги: бевосита ишлаб чиқаришга тавсия бор _____ балл
21. ижтимоий соҳада қўллашга (таълим, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий..) тавсия қилинган _____ балл
22. тавсия йўқ _____ балл
23. Битирувчининг мавзу бўйича олинган натижаларини танқидий баҳолаганлиги даражаси: аниқ _____ балл
24. тўла аниқ эмас _____ балл
25. танқидий баҳоланмаган _____ балл
26. Ишнинг илмий характери: илмий тадқиқотлар асосида _____ балл
27. аралаш шаклда _____ балл
28. Рефератив характерда _____ балл
29. Адабиётлардан фойдаланганлик даражаси: илмий-амалий журналлар, монография, етакчи олимлар асарларидан тўла фойдаланганлиги _____ балл
30. фақат дарслик маъруза матнлари, ўқув қўлланма ва маълумотномалардагина фойдаланилган _____ балл
31. Битирувчининг маърузасига баҳо, аъло _____ балл
32. яхши _____ балл
33. қониқарли _____ балл
34. Берилган саволларга жавоблари: тўлиқ _____ балл
35. ўрта _____ балл
36. қониқарли _____ балл
37. БМИни ташқи тақризчи томонидан баҳоланиши: аъло _____ балл
38. яхши _____ балл
39. қониқарли _____ балл
40. БМИга қўйилган якуний балл _____

(100 балл)

Эслатма: ҳар бир банд бўйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади.

ДАК раиси _____

Ф.И.Ш. имзо

Аъзолари _____

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

(муҳр ўрни)

Сана « _____ » _____ 2012 йил